Ф. Б. ТашГУ
читального зала

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ДЕКАБРЬ ПЛЕНУМИ ШАРАФИГА

ОБ-ҲАВО НОҚУЛАЙ КЕЛГАН ШАРОИТДА ҲАМ ПАХТА ТАЙЁРЛАШ СУРЪАТИ ПАСАЙТИРИЛМАСИН!

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 231 (1751) | 22 ноябрь, 1960 йил, сешанба | Баҳоси 20 тийин.

Пахтанинг бир грамми ҳам нобуд қилинмасин! Етиштирилган бутун ҳосилни сўнгги кўрагигача териб олайлик!

Ҳаво очиқ келган ҳар бир кун, ҳар бир соатдан тўла фойдаланиш керак ва ишни шундай уюштирмоқ керакки, об-ҳаво ноқулай келган шароитда ҳам пахта тайёрлаш суръати пасайтирилмасин. Бунинг учун биз мавжуд сушилкалар ва қуритиш-тозалаш цехларининг ҳаммасини тартибга солишимиз, уларнинг тузук аҳволда бўлишини текширишимиз, ёқилғи билан таъминлашимиз ва кеча-кундуз ишлаб туришини таъминлашимиз лозим. Қуритиш агрегатларида ишнинг кўзини биладиган ва етарли тажрибаси бўлган кишилар ишлашлари керак.

(Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Мурожаатидан).

Мурожаатга амалий иш билан жавоб берайлик

Улуғ социалистик Ватанимизнинг ҳамма қисмида, шу жумладан Совет Ўзбекистонида ва областимизда КПСС Марказий Комитетининг шу йил 13 декабрда очиладиган Пленумини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун қудратли ватанпарварлик ҳаракати кенг авж олиб кетди. Бу Пленумда барча қардош республикалар қатори Ўзбекистон ҳам етти йиллик планнинг иккинчи йили топшириқлари қандай бажарилаётганлиги ҳақида ленинча партиямизга, жонажон Совет ҳукуматига ва бутун совет халқига рапорт беради.

КПСС Марказий Комитетининг яқинлашиб келаётган Пленумини янги ғалабалар билан нишонлаш учун республикамизда меҳнат ғайрати жўш ураётган ҳозирги пайтда, пахта йиғим-теримининг энг масъулиятли, ҳал қилувчи, сўнгги якуновчи даврида Ўзбекистон КП Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Мурожаати эълон қилинди. Республикамизнинг барча колхозчилари, совхоз ишчилари ва механизаторларига, қишлоқ хўжалиги мутахассисларига, шаҳарлар, район марказлари ҳамда поселкалардаги ишчи ва хизматчиларга қарата чиқарилган бу Мурожаатда пахта йиғим-терими суръатини кескин ошириш учун шу кеча-кундузда қилиниши лозим бўлган энг муҳим ва актуал вазифалар бирма-бир кўрсатилган.

«Бу вазифани бажариш учун, — дейилади Мурожаатда,— **бизда бутун шарт-шароит бор: мўл ҳосил етиштирилган, одамларимиз етарли, биз кўп миқдорда пахта териш техникасига ва ажойиб механизатор кадрларга эгамиз. Уюшқоқлик, мустаҳкам интизом ва зўр ғайрат билан меҳнат қилишгина талаб этилади. Ҳар бир кун, ҳар бир соат ғанимат! Ўртоқлар, суръатни пасайтириш мумкин эмас, бир минутни ҳам қўлдан бой бериш мумкин эмас! Биз ўз ваъдамизнинг устидан чиқишимиз, олган мажбуриятларимизни бажаришимиз зарур. Бу — бизнинг муқаддас бурчимиздир!»**

Ҳозирги вақтда республикамиз 2 миллион 500 минг тоннадан ортиқ пахта тайёрлади. КПСС Марказий Комитети Пленуми очилишига қадар 3 миллион 170 минг тонна юзасидан олинган мажбуриятни бажариш учун яна 670 минг тонна пахта териб давлатга топшириши керак. Бу пахтанинг 155 минг тоннасини Тошкент области бериши керак. Областимиз пахтакорлари ҳозиргача 500 минг тонна ҳисобидан давлатга 345 минг тоннага яқин пахта сотдилар. Ҳосилнинг талайгина қисми ҳали далада, ғўза тупларида турибди. Яна бир марта зўр бериб, жадал ҳаракат қилсак, бутун куч ва воситаларни теримга тўла сафарбар этиб, етиштирилган барча ҳосилни сира нобуд қилмай сўнгги кўрагигача йиғиштириб олсак план ҳам тўлади, мажбурият ҳам бажарилади.

Бироқ областимиз пахта тайёрлашда ҳамон орқада қолаётир. Ўзбекистон КП Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети орқага тортиб, пахта теримида судралиб келаётган, областимиз пахтачилигида салмоқли ўрин тутадиган йирик пахтакор районлар — Оққўрғон, Бекобод, Гулистон, Сирдарё, Янгийўл ва Янгиер шаҳрининг меҳнаткашларига алоҳида мурожаат қилиб, бутун республикамизнинг социалистик мажбуриятларни бажариши сизларнинг иш натижаларингизга, ўз қолоқлигингизни тезроқ тугатишингизга боғлиқдир, дедилар. Уларни мавжуд қийинчиликларни сабот-матонат билан енгиб, пахта тайёрлаш суръатини кескин суратда кучайтириш ва ўз мажбуриятларини сўзсиз бажариш учун бутун кучларини сафарбар қилишга, барча имконият ва резервлардан моҳирлик билан фойдаланишга чақирдилар. Бу чақириққа амалий иш билан жавоб бериш, пахта тайёрлашдаги қолоқликни тезроқ тугатиб, суръатни кескин ошириш учун зарур тадбирлар кўриш, тўла ғалаба қозонгунча — социалистик мажбуриятни бажарганга қадар зўр ғайрат ва шижоат билан қаҳрамонона қураш олиб бориш — областимиз партия, совет ташкилотлари, қишлоқ хўжалик органлари ва барча меҳнаткашларининг жанговар вазифасидир.

Пахтани териш, қуритиш ва ташиш вақтида унинг нобуд бўлишига қарши кураш, шунингдек чорва молларининг пахтани пайхон қилишининг олдини олиш — мажбуриятларни бажаришнинг энг муҳим шартидир. Бироқ кўп жойларда бунга эътибор қилинмаётир. Область партия комитетининг бюроси Бекобод районида пахта нобуд қилинаётганлиги ва оммавий равишда пайхон этилаётганлиги тўғрисида яқинда махсус қарор қабул қилди. Текшириш натижасида 1 ва 2-«Далварзин» совхозлари, Дзержинский номли, Навоий номли колхозлар ва айниқса «Чаноқ» совхозида пахта нобуд қилинаётганлиги ва чорва моллари томонидан пайхон этилаётганлиги аниқланди. Бундай фактлар Қуйи Чирчиқ, Чиноз ва областнинг бошқа районларида ҳам содир бўлмоқда.

Чорва молларинг пахтани пайхон қилишига ва бошқа хилдаги нобудгарчиликка йўл қўядиган шахсларни қаттиқ жазолаш керак.

Бундан кейин очиқ ҳавога умид боғлаш қийин, йиғим-терим ишларини оғир об-ҳаво қийинчиликлари шароитида олиб боришга тўғри келади. Шунинг учун ҳаво очиқ келган ҳар бир кун, ҳар бир соатдан тўла фойдаланиш керак ва ишни шундай уюштириш керакки, об-ҳаво ноқулай келган шароитда ҳам пахта тайёрлаш суръати сира пасайтирилмасин!

Ўзбекистон КП Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Мурожаатини кенг пропаганда қилиш ва унинг ҳар бир сўзини меҳнаткашлар оммаси онгига чуқур сингдириш—агитаторлар, пропагандистлар армиясининг, қишлоқдаги барча коммунистлар, комсомоллар ва партия ҳамда комсомол ташкилотларининг шарафли бурчидир. Мурожаатга амалий иш билан жавоб бераййлик, бутун куч ва моддий-техника воситаларини пахта йиғим-теримини қисқа муддатда муваффақиятли тугаллаш учун курашга тўла сафарбар этайлик!

ПИСКЕНТ РАЙОН ПАРТИЯ КОМИТЕТИГА ВА РАЙОН ИЖРОИЯ КОМИТЕТИГА

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети КПСС XXI съездининг тарихий қарорларидан руҳланган Пискент районининг қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитетининг декабрь Пленумини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақага қўшилиб, давлатга икки йиллик ҳажмида гўшт сотиш мажбуриятларини муддатидан илгари бажарганликларини мамнуният билан қайд қиладилар.

Шунингдек районда сут сотиш йиллик плани 112 процент, тухум сотиш плани 140 процент, жун сотиш плани 117,3 процент, пилла сотиш плани 132,2 процент, сабзавот маҳсулотлари сотиш плани 368,3 процент, қовун-тарвуз сотиш плани 136,8 процент бажарилди, ва галла сотиш плани адо этилди.

Йил бошидан буён қорамоллар 20 процент, шу жумладан сигирлар 10,2 процент, қўй ва эчкилар 15,2 процент, чўчқалар 35,9 процент ва паррандалар 2,2 баравар кўпайди.

Район колхоз ва совхозлари чорвачиликнинг озуқа базасини мустаҳкамлаб, 16 минг тонна силос бостирдилар, ўтган йилдагига нисбатан 5450 тонна кўп дағал хашак жамғардилар.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Пискент райони нинг колхозчиларини, совхоз ишчиларини, қишлоқ хўжалик мутахассисларини, партия, совет, комсомол ходимларини ва барча меҳнаткашларини эришилган муваффақиятлар билан табриклайдилар, ҳамда район қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари пахта териш ва тайёрлаш, ҳамма турдаги чорва маҳсулотларини етиштириш ва давлатга сотиш юзасидан 1960 йил учун олган мажбуриятларини шараф билан бажариш йўлида куч ва ғайратларини аямайдилар, моллар ва паррандаларнинг янада кўпайтиришини таъминлайдилар, зоотехниканинг илғор усулларини бундан буён ҳам дадиллик билан жорий этадилар, кузги шудгорлашни ўз вақтида тугаллайдилар, чорва қишловини яхши ўтказадилар, шундай қилиб етти йилликнинг учинчи йилида қишлоқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини тез ривожлантириш учун шарт-шароит яратадилар, деб ишонадилар.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

Ютуқларимизни мустаҳкамлаймиз

Колхозимиз аъзолари КПСС XXI съезди кўрсатмаларини амалга ошира бориб, қишлоқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини комплекс ривожлантириш учун курашмоқдалар.

Далаларимизда пахтадан мўл ҳосил етиштирилган эди. Бу ҳосилни йиғиб-териб олишни уюшқоқлик билан ўтказиб, 14 ноябрда давлат пахта тайёрлаш йиллик планини 100,2 процент бажаришга муваффақ бўлдик. Давлатга 1203,4 тонна пахта сотилди. Бу ҳосилнинг 80,5 проценти биринчи сортга қабул қилинди.

Биз бошқа соҳаларда ҳам талайгина муваффақиятларга эришдик. Жумладан, чорвачиликни ривожлантиришга катта аҳамият берилди, гўшт сотиш планини 130,8 процент бажардик. Шунингдек, пилла тайёрлаш плани 144 процент, тухум тайёрлаш плани 118, шоли сотиш плани 100 процент, сут сотиб олиш плани 100,1 процент бажарилди.

Чорвачиликнинг ем-хашак базасини мустаҳкамлаб, кўплаб силос ва бошқа озуқалар жамғардик. Ҳозир чорва қишловини намунали ўтказиш учун зарур бўлган ҳамма тадбирларни кўрмоқдамиз.

Пахта тайёрлаш давлат планининг бажарилишида шаҳарлик биродарларимизнинг берган ёрдами катта бўлди. Улар колхозчилар билан бир сафда туриб меҳнат қилдилар ва етиштирилган ҳосилимизни несибуд қилмай, унинг ўз вақтида териб олинишига муносиб ҳисса қўшдилар.

Колхозимиз аъзолари Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Мурожаатига амалий иш билан жавоб берадилар. Биз давлатга қўшимча равишда яна 365 тонна пахта сотишга қарор қилдик. Далаларимизда қолган ҳосил бу қўшимча мажбуриятимизни бемалол бажариш имконини беради. Биз бу мажбуриятимизни КПСС Марказий Комитети декабрь Пленуми очиладиган кунгача бажариш учун ҳамма чораларни кўрамиз.

ЕМ ЕН МАН,
Ўрта Чирчиқ районидаги Калинин номли колхознинг раиси.

Область ва Тошкент шаҳар саноат ходимларининг ғалабаси

Тошкент область ва Тошкент шаҳар саноат корхоналарининг коллективлари КПСС Марказий Комитети июль Пленумининг тарихий қарорларини амалга ошираборнб, етти йилликнинг иккинчи йили планини муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақани кенг авж олдириб, 11 ойлик ялпи маҳсулот ва энг муҳим буюмлар ишлаб чиқариш планини муддатидан 13 кун илгари — 17 ноябрда тўла бажардилар.

Ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 14 процент кўпайди.

Область ва шаҳар саноати ходимлари ой охиригача яна юзларча миллион сўмлик турли хил маҳсулотлар ишлаб чиқаришади.

Н. С. ХРУШЧЕВ ВА Ж. НЕРУ БИР-БИРЛАРИГА ТЕЛЕГРАММА ЮБОРДИЛАР

МОСКВА, 19 ноябрь. (ТАСС). Ҳиндистон бош министри Ж. Неру туғилган кун муносабати билан СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев унга табрик телеграммаси юборди.

Н. С. Хрушчев Ж. Неруга сиҳат-саломатлик, бахт ва муваффақиятлар тилайди. Н. С. Хрушчев Ҳиндистон ва СССР халқлари ўртасидаги мавжуд яхши муносабатлар, шунингдек ўзи билан Ж. Неру ўртасидаги шахсий муносабатлар ҳар иккала мамлакат халқларининг қувончи, бутун дунёда тинчлик саодати йўлида кун сайин мустаҳкамланиб боришини истаганлигини билдиради.

Ж. Неру жавоб телеграммасида Н. С. Хрушчев билан шахсий дўстлигига ва Ҳиндистон ҳамда СССР халқларининг дўстлигига юксак баҳо бераман, деб ёзади. Ҳиндистон бош министри бу дўстлик бутун дунёда тинчлик ишига ёрдам беради, деб ишонч билдиради ва ҳар иккала мамлакат ана шу тинчлик ишига астойдил содиқ эканлигини таъкидлайди.

РОКУЭЛЛ КЕНТ ЖАНОБЛАРИГА

Ҳурматли Кент жаноблари!

Кўп йиллик ижодий меҳнат натижасида яратилган асарлар тўпламини совет халқига туҳфа қилиш тўғрисидаги олижаноб қарорингизни эшитиб, самимий хурсанд бўлдим. Сиз асос қилиб олган важлар самимий ва чуқур ҳурматга сазоворлир ҳамда бутун дунёда тинчлик учун курашдаги ҳар бир қадамга юксак баҳо бераётган совет кишиларига тушунарли ва яқиндир.

Мен шу нарсага қатъий аминманки, Америка халқи ҳам бу важларни тўғри тушуниб олади, чунки Сизнинг туҳфангиз — СССР ва АҚШ халқлари ўртасида дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш йўлидаги қадамдир.

Сизга чин қалбимдан узоқ йиллар сиҳат-саломатлик ва планетамизда бахт ва адолат йўлидаги олижаноб фаолиятингизда янгидан-янги ижодий муваффақиятлар тилайман.

Н. ХРУШЧЕВ.

19 ноябрь.

МОСКВАДА ФИНЛЯНДИЯ ПРЕЗИДЕНТИ ТАНТАНАЛИ ВАЗИЯТДА КУТИБ ОЛИНДИ

МОСКВА, 21 ноябрь (ТАСС). Финляндия Республикасининг Президенти Урхо Калева Кекконен бугун ўз ҳамроҳлари билан биргаликда расмий визит билан Москвага келди.

Финляндия ва Совет Иттифоқининг давлат байроқлари билан безатилган Ленинград вокзалида Финляндия Президентини Л. И. Брежнев, Н. Г. Игнатов, Ф. Р. Козлов, А. И. Микоян, Е. А. Фурцева, Н. С. Хрушчев ўртоқлар ва бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

Кутиб олувчилар орасида СССР даги дипломатия ваколатхоналарининг бошлиқлари, совет ва чет эл журналистлари ҳам бор эди.

Азиз меҳмоннинг келиши муносабати билан У. К. Кекконен, Н. С. Хрушчев ва Л. И. Брежневларнинг портретлари Ленинград вокзалининг саҳнига қўйилган эди.

Вокзалда Н. С. Хрушчев ва У. К. Кекконен табрик нутқи сўзладилар.

Дўст давлатнинг бошлиғи совет раҳбарлари билан биргаликда вокзалдан Кремлдаги ўз резиденциясига бораётганида Москванинг минг-минглаб меҳнаткашлари уни самимий табриклаб турдилар.

БУЮК САНЪАТКОР, ТИНЧЛИК ЖАРЧИСИ

ССР Иттифоқи Большой театрида улуғ рус ёзувчиси Л. Н. Толстой хотирасига бағишланган тантанали мажлис

Совет жамоатчилиги ва маданиятининг вакиллари, чет эл ёзувчилари Лев Николаевич Толстой хотирасини ҳурмат билан эслаш учун 19 ноябрда СССР Иттифоқи Большой театрига тўпландилар.

Саҳнада дафна дарахтининг шоҳи ҳошия қилиб ўраб олинган Л. Н. Толстойнинг катта портрети, жуда кўп гуллар билан безатилган.

Президиумда Л. Н. Толстой вафот этган кунининг 50 йиллигини ўтказиш бўйича Бутуниттифоқ комитет аъзолари, Рокуэлл Кент, Альберт Кан — Жаҳон Тинчлик Кенгашининг аъзолари (шонли кун ана шу кенгаш қарори билан ўтказилмоқда), СССР Ёзувчилар союзи, СССР Фанлар академияси, СССР Маданият министрлиги, тинчликни ҳимоя қилиш Совет комитети ва бошқа ташкилотларнинг вакиллари, санъат арбоблари, чет эл адиблари ўтирибдилар. Президиумда ёзувчининг набиралари — Сергей Сергеевич, Илья Ильич ва Владимир Ильич Толстойлар, унинг секретари Н. Н. Гусев, Л. Н. Толстойни яқиндан билган СССР халқ артисти А. Б. Гольденвейзер ўтирибдилар.

Тантанали мажлисни РСФСР Ёзувчилар союзи правлениесининг раиси Л. С. Соболев очиб, Л. Н. Толстой ижодининг рус ва жаҳон маданияти учун ғоят катта аҳамиятини таъкидлаб кўрсатди. У, чет эл мамлакатларидан келган меҳмонларни табриклайди.

Л. Н. Толстой вафот этган кунининг 50 йиллигини ўтказиш бўйича Бутуниттифоқ комитетининг раиси Ленин мукофотининг лауреати Л. М. Леонов «Толстой ҳақида сўз» деган доклад қилди.

Сўнгра Америка-Совет дўстлиги миллий кенгашининг раиси, ажойиб америка рассоми, СССР-нинг катта дўсти ва рус генийси талантининг муҳиби Рокуэлл Кентга сўз берилди.

— Мен ҳозир бутун дунё тан олган машҳур романчингина эмас, деди Рокуэлл Кент, балки пайғамбар Лев Толстойга, тинчлик пайғамбарига, кишилар ўртасидаги биродарлик жарчисига ўз қалбим ҳурматини билдираман. Умумий тинчлик Толстойга буюк ёдгорлик бўлсин!

Тантанали мажлисда А. Б. Аристов, Л. И. Брежнев, Н. Г. Игнатов, Ф. Р. Козлов, А. Н. Косигин, А. И. Микоян, Н. А. Мухитдинов, М. А. Суслов, Е. А. Фурцева, Н. С. Хрушчев, Н. М. Шверник ўртоқлар ҳозир бўлдилар.

Тантанали мажлисдан кейин концерт қўйиб берилди. (ТАСС).

ТОШКЕНТДА РУС АДАБИЁТИНИНГ ГЕНИЙСИ Л. Н. ТОЛСТОЙ ХОТИРАСИГА БАҒИШЛАНГАН УМУМШАҲАР КЕЧАСИ

Республика пойтахти меҳнаткашларининг вакиллари 21 ноябрда Навоий номли опера ва балет театрига Л. Н. Толстой вафот этган кунининг аллик йиллигига бағишланган умумшаҳар кечасига тўпландилар.

Кечани Ўзбекистон Ёзувчилари союзи правлениесининг биринчи секретари К. Яшин очди.

Философия фанлари доктори В. Й. Зоҳидов «Л. Н. Толстой — улуғ рус ёзувчиси» деган темада доклад қилди.

Ўзбекистон меҳнаткашлари рус ва жаҳон адабиётининг титани шонли юбилейини мамлакатимиздаги барча халқлар билан биргаликда нишонлаб, Россиянинг улуғ фарзандини яна бир марта ҳурмат билан эсга олдилар. Толстойнинг қалби ва ақлидроки инсониятни қуллик ва зўрлик занжирларидан озод қилиш ишига батамом бағишланган эди.

Кеча пойтахт театрларининг энг яхши артистлари томонидан берилган катта концерт билан тамомланди.

ҚУРИҚ ЕРЛАРДАГИ БИРИНЧИ БАҲОР ҲАҚИДА ОПЕРА

Т. Шевченко номидаги опера ва балет театри совет ёшлари ҳақидаги, қўриқ ерлардаги биринчи баҳор ҳақидаги ростгўй, ёркин ва лирик асарни — Г. Жуковскийнинг операсини 20 ноябрда Большой театр саҳнасида москваликларга иккинчи марта кўрсатди.

Ёш режиссёр И. Молостова саҳнага қўйган «Биринчи баҳор» спектакли ҳозирги кун ҳақида ҳикоядир.

Театр солистларидан Т. Пономаренко, Л. Руденко, Б. Руденко, Д. Гнатюк, Киев консерваториясининг студенти Н. Кулага ажойиб ашулачи, талантли артист эканликларини кўрсатдилар. Томошабинлар шу артистларни, дирижер А. Климовни ва декорацияларда бепоён кенг далаларни тасвирлаган рассом В. Людмиланни қизғин қарсаклар билан табрикладилар.

Спектаклда КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев, Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, Германия Демократик Республикаси Давлат кенгашининг Раиси Вальтер Ульбрихт, СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси К. Е. Ворошилов ҳозир бўлдилар. Залда Украина ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари И. С. Сенин, Украина КП Марказий Комитетининг секретарлари О. И. Иващенко ва А. Д. Скаба ҳам бор эдилар (ТАСС).

МАЖБУРИЯТ ҲИСОБИДАН ПАХТА ТОПШИРАЁТГАН ЎРТАЧИРЧИКЛИК АЗАМАТЛАР



Суратларда: (чапдан) Ўрта Чирчиқ районидаги «XX партсъезд» колхозининг раиси Ҳ. Ҳолбеков, шу колхознинг илғор теримчиси Х. Қурбонова, Калинин номли колхоз раиси Ем Ен Ман, шу колхознинг Бойжонова, Калинин номли колхознинг бригада бошлиғи З. Каримқулов, шу колхознинг илғор теримчиси З. Зукурова, «XX партсъезд» колхозининг бригада бошлиғи И. Оқилов, шу колхознинг илғор теримчиси А. Амриева ўртоқлар. М. Шевелев фотолари.

Пахта учун курашнинг тугалловчи даври келган ҳозирги пайтда бир ғайратга ўн ғайрат қўшиб меҳнат қилайлик!

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети сизларга, колхоз ва совхоз далаларининг шонли меҳнаткашларига мурожаат қиладилар! Сизлар мўл ҳосил етиштириш учун курашда кўп меҳнат сарф қилдингиз. Яна бир марта зўр бериб, жадал ҳаракат қилсангиз, мажбурият ҳам бажарилади! Ҳозирги кунда бутун халқ, бутун мамлакатнинг фикри-зикри сизларга қаратилган. Эндиликда қишлоқ меҳнаткашлари учун пахта ҳосилини тезликда йиғиштириб олишдан кўра муҳимроқ, фахрлироқ ва масъулиятлироқ вазифа йўқ! Ҳосилнинг тақдири сизнинг қўлингизда. Пахта учун курашнинг муваффақияти сизларнинг ҳар бирингизга боғлиқдир. Ҳар бир колхозчи, ҳар бир совхоз ишчиси, қишлоқнинг ҳар бир меҳнаткаши бригада, колхоз, районнинг ўз мажбуриятларини бажариши учун шахсан қанча пахта териш кераклигини аниқ белгилаб олиши лозим. Ғайратимизга ғайрат қўшиб меҳнат қилайлик, фидокорона ишлаб, ватанпарварлик бурчимизни тўла-тўкис бажарайлик!



Юқори Чирчиқ районидаги «III-интернационал» колхозининг аъзолари социалистик мажбурият ҳисобига пахта топшириш муносабати билан суратда. Колхознинг 6-бригадасида кўсак чувиш ва уни қуритиш пайти.

М. Шевелев фотоси.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

ГУЛИСТОНДА САРОСИМА

«Гулистон» совхози билан «Социализм» совхози бир вақтда тузилган. Улар бир хил шароитга эга, ҳосилдорликда бир-биридан фарқ қилмайди. Лекин бу икки хўжаликка раҳбарлик қилаётган коммунистларнинг ишга муносабати икки хил бўлгани учун иш натижаси ҳам ҳар хил. Коммунист Мажид Ганиев директор бўлган «Гулистон» совхозида план бажарилди. Энди мажбуриятни бажариш учун кураш олиб борилмоқда. Коммунист Қаҳҳор Пўлатов директорлик қилаётган «Социализм» совхозида план ҳали 80 процентга етгани йўқ. «Гулистон» совхозида тартиб-интизом бор. Одамлар зўр ҳаҳрсс билан ишлаяпти. «Социализм» совхозида эса парокандалик, уюшқоқсизлик ҳукмрон. Шу туфайли мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланилмаётир. Шу кунларда бир процентдан ошириб пахта бериш имкони бор бўлган бу совхозда машҳ олиб ишлайдиган кишиларнинг деярли ярми теримга жалб этилмаган. Машина билан пахта териш мумкин бўлган ҳамма ерларда машина ишлатилмаяпти.

Район партия комитетининг бюросида бўлган баъзи гаплар кишини ажаблантиради. Бюрода Қаҳҳор Пўлатов илгари сиёсий раҳбар бўлган, обрўли киши деган гаплар айтилди. Район партия комитетининг бюро аъзоси, район ижроия комитетининг раиси, «Социализм» совхозидаги райком вакили Ўртоқ Саттор Усмонов бюрода ҳозир гапириш пайти эмас, «Социализм» совхози ҳақида кейин, вақти келганда гапираман, деди. Ўз-ўзидан шундай бир савол туғилади. Ўртоқ Усмонов бу совхозда юз бераётган камчиликларни ҳосил тақдири ҳал қилинаётган ҳозирги пайтда очиб ташлашни истамай, нима учун ҳамма гапни кейинга ташлаб юрган экан? Тўйдан кейин ногора чалишнинг кимга фойдаси бор?

Райком секретари Ўртоқ Мирқурбонов ҳам илгари шу совхозда вакил бўлиб турганида талайгина камчиликларга йўл қўйилганини санаб кетди. У ҳам кўрган-у, индамай кетаверган.

Ўртоқ А. Брухтий раислик қилаётган «Октябрь» колхози шуҳрат қозонган хўжалик. Раиси ҳам машҳур киши. Лекин бу колхоз ҳам имиллаб ҳаракат қилаяпти. Пахта тайёрлашда райондан орқада. Йиллик план ҳали 60 процент бўлгани йўқ. Колхозда машина билан 400 тонна ўрнига 285 тонна пахта терилган, холос. Машина билан пахта териш-нинг барбод бўлишига 20 октябрда дефолиация қилингани сабаб бўлди.

Колхознинг сводка дафтарига пахта ишида 1086 киши ишлади деб ёзиб қўйилган. Лекин пахта теримига қатнашганлар 510 кишидан ошмайди. Колхоз партия ташкилотининг секретари Ўртоқ С. Файзиев 16 киши сушилкада, 38 киши шофер, 28 киши табелчи, бригадир ва ҳакозо деб, 173 кишининг ишлаётганини айтди. Лекин қолган одамлар қаерда, нима билан шуғулланаётганлигидан бехабар. Хуллас, бу колхозда аниқ бир маълумот йўқ. Одамлар қаерда нима қилаётганини раҳбарларнинг ўзлари ҳам яхши билмайдилар. Улар саросимага тушиб қолганлар, бу йилги шароитда ишни моҳирлик билан ташкил этиш зарурлигини яхши англаб олмаганлар.

Райондаги колхоз ва совхоз раҳбарлари билан суҳбатлашиб қолсангиз, бу йил ёрдамчилар камлигидан шикоят қила бошлайдилар. «Ленинский путь» колхозининг раиси Ўртоқ Очилов ҳозир 710 гектар ерда чамандай очилган пахтамиз бор, 500 гектарини ўз кучимиз билан эплаб териб оламиз-у, 200 гектарига ҳайронмиз, ёрдамчи керак дейди. Лекин у шу чамандай очилган пахталарни машина билан териб оламиз, демади.

«Москва» колхозининг раиси Мирзаев, «Ленинград» колхозининг раиси Т. Пўлдошев, Сталин номли колхознинг раиси Р. Муҳаммедов, «Мирзачўл» совхозининг директори Бегимқулов сингари ўртоқлар тажрибали, иш кўрган раҳбарлар. Лекин улар ўз имкониятлари даражасида иш қилаётганлари йўқ. Ҳар куни район даражасидан ҳам кам пахта топширмоқдалар.

Мана, коммунист Ленин номли колхозининг раиси Соиб Назаров. У раислик қилаётган колхозда ҳамма кучлар, идора ходимлари, чорвадорлар, шоферлардан тортиб, қимирлаган одам теримга жалб этилган. Колхоз правлениеси ва партия ташкилоти радиоузель орқали халққа мурожаат этиб, ҳаммани оёққа турғизган, ўз орқаларидан эргаштира олганлар. Шу туфайли ҳар бир киши ҳисобига бу колхозда ҳозирги кунларда ҳам 50 килограммдан пахта териляпти. Кунига колхозда 60—70 тонна пахта тайёрланмоқда.

Коммунист Азизхон Носиров раислик қилаётган «Красний Восток» колхозида айни кунларда ҳам машиналар билан 600—700 килограммдан пахта териляпти ва ҳоказо.

Бироқ райондаги бошқа хўжаликларда шундай ҳарорат, шундай интилиш сезилмаётир. Районда 60 та «ХВС» машинасининг деярли ҳаммаси тўхтаб турибди. Имконият бор жойларда ҳам машиналар ишга солинмаяпти. Бунинг ўрнига айрим раҳбарлар чеғдан ёрдамчилар келишига кўз тутмоқдалар.

Мирзачўл заводига қарашли пахта тайёрлаш пунктларидаги тартибсизликлар натижасида колхозлар пахтани бир пунктдан иккинчи пунктга олиб бориб топширишга мажбур бўлмоқдалар. Бу ҳол ишга салбий таъсир қилаётир. Масалан, Жўраев мудир бўлган «Красная заря» пунктида пахта қабул қилинмаяпти учун колхоз уни 30 километр йўл босиб, Мирзачўл заводига олиб бориб топширган. Демак, бир пунктда қабул қилиш мумкин бўлмаган пахта иккинчи пунктда бемалол қабул қилинаётир.

Пахта пунктларининг лабораторияларида пахтанинг намлигини ортиқча кўрсатишга уриниш ҳоллари сезиляпти. Масалан, «Красная заря» пунктида бир арава пахта икки марта анализ қилинганида кейингисида намлиги беш процент камлиги маълум бўлди.

Район партия комитетининг бюросида пахта пунктларидаги бу хилдаги камчиликлар кўрсатилди. Завод директори Ўртоқ Андрюшин, бу камчиликларни шу бугундан бошлаб бартараф қиламиз, деб ваъда берди. Шўрўзак пахта пунктининг мудири Ҳайитбоев ҳам шу гапларни икки қулоғи билан эшитди. Бироқ эртаси куни у «Гулистон» совхозидан келган пахтани ортиқча намликда кўрсатиб, қабул қилмади. Лекин бу пахта Мирзачўлга олиб борилганда бемалол қабул қилинди. Демак, завод директори коммунист Ўртоқ Андрюшин ҳам, Ҳайитбоев ҳам кечагина райком бюросида бўлган гапларни дарҳол унутиб қўйганлар. Агар Андрюшин сингари коммунистлар райком бюроси қарорига шу хилда муносабатда бўлсалар, ишда қандай ўзгариш бўлиши мумкин? Нега айрим коммунистлар бюрода оёққа туриб катта-катта ваъда берадилар-у, лекин уни амалга оширш учун қурашмайдилар, нима учун кайта-кайта тузилган графиклар районда бажарилмай қолаяпти, нега айрим коммунистлар ўз масъулиятларини сезмай қўйганлар?

Райкомнинг биринчи секретари Ўртоқ Қинабек Укубоевнинг бюрода «агар биз раҳбарликни эплай олмаётган бўлсак, пленум чақириб, бошқа секретарь сайлаб олинглар» деб айтган гапига сира тушуниб бўлмайди. Демак, райком секретарлари Укубоев, Пронин ва Мирқурбонов Ўртоқлар айни пайтда юз берган аҳволдан саросимага тушиб қолганлар. Ахир бундай аҳволда район партия ташкилотининг жанговарлик қобилиятини, ҳар бир коммунистнинг шахсий жавобгарлигини ошириб бўладими, ишда жиддий бурилиш ясаш мумкинми?

Буни Гулистон районидаги Ўртоқлар, биринчи навбатда райком секретарлари Укубоев, Пронин ва Мирқурбонов Ўртоқлар яхши англаб олишлари, пахта тайёрлашдаги қолоқликка барҳам беришлари, лекин саросимага тушмасликлари лозим.

Б. ХАЛИЛОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.



Б. Эрқоров фотоси.

Бу йил мавсумда 10 тонна пахта териб, «оқ олтин» хирмонига тўкаман. Сирдарё районидаги Охунбобоев номли колхознинг донгдор теримчиси Малика Абдуллаеванинг аҳди ана шундай эди. Малика ўз сўзининг устидан чиқди. У шу кунларда ҳам кунлик нормани ошиғи билан адо этмоқда.

Суратда: Малика Абдуллаева.

Пешма-пеш шудгор қилинмоқда

Колхоз далаларида йиғим-терим қизғин давом этмоқда. Колхозчилар 555 гектар ернинг ҳар гектаридан 25 центнердан ҳосил топшириш юзасидан олган мажбуриятларини бажариш учун астойдил курашмоқдалар.

Пискент районидаги бу Жданов номли колхоз далаларини айланар экансиз, терим ана шу тарзда қизғин давом эттирилаётганлиги билан бир қаторда келгуси йилга тайёргарлик ҳам авж олдирилганлигини кўрасиз.

Ҳосилдан бўшаган ерлар пешма-пеш шудгор қилинмоқда. Тракторчилардан Х. Эргашев, О. Ражабов, Х. Ҳолиқулов, К. Суюнов каби ўртоқлар «ДТ-54», «С-80» тракторларида кунига 6—10 гектардан ерни шудгор қилмоқдалар. Шоли ва ем-хашак экинларидан бўшаган майдонлардан ҳозиргача 200 гектари сифатли шудгор қилинди.

М. НОРИНБОЕВ.

Нормани ортиғи билан бажараётганлар

Оржоникидзе районидаги «Маданият» колхози пахта тайёрлашда районда биринчи ўринда бормоқда. Колхоз далаларида пахта тераётган чеварларнинг кўпчилиги мавсумда 10—15 тонна пахта териш мажбуриятини олган.

Шу кунларда 70 илғор теримчи юқори кўрсаткичга эришаётир. Маъмура Азимбердиева ҳозиргача 13 тонна пахта терди. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ғ. Қодиров бошлиқ бригада аъзоси Карима Муслимова ҳам теримда тобора ғайрат кўрсатмоқда. У бир кунда 330 килограмм кўсак терди.

А. ҚАЮМОВ.

Яхоб бермоқдалар

«Мирзачўл» совхозининг ҳамма бўлимларида шудгорлаш қизғин тус олди. Бу иш Ўртоқ Қ. Агайдаров бошлиқ бўлимда айниқса намунали ташкил этилган. Маккажўхори ва бошқа экинлардан бўшаган ерлар келгуси йилга тахт қилинмоқда. Ишчилар шудгорлаш билан бир қаторда яхоб суви беришни ҳам сифатли ўтказишяпти.

Далаларда иккита «ДТ-54» трактори тинимсиз ишлаб турибди. Механизаторлар мусобақасида Ўртоқ С. Мамарасулов олдинда бормоқда. У кундалик шудгорлаш нормасини 1,5—2 ҳисса бажараётир. Ундан ўрнак олган совхознинг бошқа механизаторлари ҳам шудгорлашда яхши кўрсаткичга эришаётирлар.

Вақтдан ва техникадан унумли фойдаланаётган бўлим ишчилари ҳозиргача 100 гектардан ортиқ ерни шудгорлаб бўлдилар.

Т. БУРОНОВ.

★ Қўли гул деҳқон ★

Тун бўйи майдалаб ёққан ёмғир Эшбой аканинг кўнглини ҳижил қилиб юборди. Ахир бригадада 120 гектар ернинг ҳар гектаридан 32 центнердан «оқ олтин» кўтариш юзасидан зиммага олинган дастлабки мажбурият бугун бажарилиши керак эди. Маррага 7300 қило,рамм етмайди. Агар суръат кечагидай бўлганида бемалол мўлжалга етиш мумкин эди.

Ҳа, об-ҳавонинг инжиқлиги ишнинг белига тепмоқчи бўлаяпти. Бундай вақтда уста пахтакор фикр юритиб, баланд-пастни ўйлаб иш юритиши лозим бўлади. Эшбой ака шулар ҳақида ўйлаб, эрталаб дала шийпонига етиб келди. Шийпон колхозчилар билан гавжум. Лекин улар теримга тушсакмикан, ё пахтанинг сорти бузилармикин, деган ҳаёллар билан банд бўлиб, шу ҳақда суҳбатлашардилар. Эшбой ака билан салом-аликдан кейин:

— Пахтанинг сал селгишини кутамизми?— деб сўраб қолди шунда йиғилганлардан бири.

— Вақт ғанимат. Ҳозир кутиб туриб ҳам бўлмайди, пахтанң териб ҳам. Аммо лекин қиладиган ишларимиз кўп. Мен ,аплашиб келдим. Кўрак чувиш машинасини ишга соламиз. Агар ҳаво юришиб кетса, тушдан кейин теримга тушамиз.

Бригадирнинг гапи ҳаммага маъқул тушди. Улар сушилка хўжалиги томон йўл олишди. Қуёш йилт этиб кўринiши билан сушилкада ҳаёт қайнай бошлади. Икки-уч кундан бери терилиб, бир жойга тоғ қилиб уюб қўйилган кўсаклар кўрак чувиш машинасида оппоқ момиққа айлана бошлади. Ҳа, тушки овқатга қадар жуда унумли иш бўлди. Овқатдан сўнг бир неча киши ажратилиб, сушилка хўжалигида чувилган пахталарни қуритиш учун қолдирилди. Қолган каттадан-кичиккинг ҳаммаси яна пахтазор оралаб кетишди. Негаки, қуёш тикка келиб, кечаги ёмғирдан асар ҳам қолмаган, бемалол кўрак ва пахта териш имконияти туғилган эди.

Худди шундай. Эшбой ака 13 йилдан бери бригадада бошчилик қилиб, пахтачилик соҳасида бой тажриба ортирган одам. 1958 йилда унинг бригадаси 60 гектар ернинг ҳар гектаридан 41,2 центнердан ҳосил кўтарди, 1959 йилда ҳам ҳосил баракали бўлди.

Хўш, бунинг сабаби нимада? Ўша йиллари об-ҳавонинг яхши келганидами? Йўқ, ҳамма гап ишнинг кўзини билган Эшбой ака Алиқулов бошлиқ бригада аъзоларининг бир жон-бир тан бўлиб, навбаҳордан то олтин кузгача ғайрат билан меҳнат қилганликлари туфайли ҳар йили хирмон баракали бўлмоқда.

Бу йилги ҳосил ҳам чакана бўлгани йўқ. 120 гектар ернинг ҳар гектаридан 32 центнердан «оқ олтин» кўтарилди. Бригада аъзолари гектаридан яна 10 центнердан ҳосил олиш учун барча зарур тадбирларни амалга оширмоқдалар. Сушилка хўжалигидан, кўрак чувиш машиналаридан унумли фойдаланаётирлар.

Коммунист Эшбой ака Алиқулов бошлиқ бригада аъзолари гектаридан олинадиган ҳосилдорликни 42 центнерга етказиш учун чинакам аҳд қилган эканлар, улар бу аҳдларининг устидан албатта чиқадилар. Уларнинг ғайрати, уларнинг ҳиммати, даладаги ҳосил ана шундан дарак бермоқда.

А. ГОЗИХОНОВ,
Пискент районидаги Калинин номли колхоз.

Янги мажбуриятлар ҳисобидан

Чиноз районидаги «XXI партсъезд» колхозида пешқадам бригадалар кўп. Коммунист Ўртоқ Норқул Қаршибоев бошлиқ бригада ҳозирги кунда қўшимча мажбурият ҳисобидан пахта топширмоқда.

— Бригадамиз аъзолари 107,5 гектар ернинг ҳар гектаридан 27,5 центнердан «оқ олтин» топшириб, планни 15 ноябрда бажардилар,— дейди Норқул ака,—ҳали далаларимизда анчагина ҳосил бор. КПСС Марказий Комитети декабрь Пленуми шарафига яна ҳар гектар ердан 6—7 центнердан пахта топширишга сўз бердик.

Бригадирнинг сўзларига ишонса бўлади. Ахир бу ерда меҳнат қилаётган Ойсара Кенгашева, Гулсара Сувонова, Тўхта Арслонова каби илғор теримчилар шу кунларда ҳам 80—100 килограммдан кўсак термоқдалар. Бу илғор теримчилар эришаётган ютуқлар ҳаммани қувонтиради.

Колхозда машина теримига ҳам яхши эътибор берилди. Турсунойнинг издошлари Насиба Абдуллаева, Насиба Султоновалар ҳозиргача 130—140 тоннадан пахта териб қўйишди. Бу икки ёш механизатор шу кунларда ҳам қизғин меҳнат қилиб, меҳнатда янги ютуқларни қўлга киритиш учун курашаяпти.

Ғ. АЛИБОЕВ.
Р. ҚОДИРҚУЛОВ.

РЕСПУБЛИКАМИЗ ОБЛАСТЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШ ҚАНДАЙ БОРАЯПТИ

21 ноябргача Хоразм области бир кунда 0,39 процент, мавсум бошидан бери 105,78 порцент, Қорақалпоғистон АССР бир кунда 0,96, мавсум бошидан бери 92,46 процент, Андижон области бир кунда 0,62, мавсум бошидан бери 90,15 процент, Сурхондарё области бир кунда 0,74, мавсум бошидан бери 84,26 процент, Самарқанд области бир кунда 1,01, мавсум бошидан бери 82,66 процент, Фарғона области бир кунда 0,43, мавсум бошидан бери 77,91 процент, Тошкент области бир кунда 0,68, мавсум бошидан бери 75,40 процент, Бухоро области бир кунда 0,45, мавсум бошидан бери 71,70 процент пахта тайёрла дилар.



(21 ноябргача бўлган маълумот)

Районлар номи	Бир кунда процент ҳисобида		Мавсум бошидан процент ҳисобида		Машина терими, мажбуриятга нисбатан процент ҳисобида	
	Мажбурият	План	Мажбурият	План	Бир кунда	Мавсум бошидан
Юқори Чирчиқ	0,28	0,35	97,41	119,47	—	113,34
Қуйи Чирчиқ	0,55	0,64	83,08	95,58	0,09	84,74
Ўрта Чирчиқ	0,56	0,62	77,25	84,79	1,59	68,84
Бўка	0,62	0,67	74,55	81,54	1,34	93,49
Чиноз	0,60	0,64	73,10	78,01	—	45,38
Пискент	0,52	0,57	72,90	81,00	0,88	82,01
Сирдарё	0,67	0,71	67,71	72,44	—	65,46
Оққўрғон	0,56	0,61	66,80	73,25	0,79	60,40
Оржоникидзе	1,15	1,34	66,19	77,27	6,12	47,00
Янгийўл	0,61	0,69	64,55	73,21	—	47,49
Гулистон	0,74	0,85	60,57	69,50	3,40	54,36
Янгиер шаҳри	0,47	0,51	59,94	65,10	0,93	68,69
Бекобод	0,58	0,67	58,28	67,49	1,61	61,65
Область бўйича:	0,63	0,69	68,62	75,40	1,27	64,79

ИСРОФ МУРОДОВ 190 ТОННА ПАХТА ТЕРДИ

Терим бошланиши олдидан илғор механик-ҳайдовчиларнинг районда бўлиб ўтган йиғилишида «Красний Октябрь» колхозининг механизатори Ўртоқ Исроф Муродов сўзга чиқиб: «Бу йил мавсумда 180 тонна «оқ олтин» тераман»—деб, ўз тенгдошларини беллашишга чақирган эди.

Моҳир механизатор ваъдасининг уддасидан чиқиш учун ўз пўлат елканини мавсумга яхши совлади, иш жараёнида техника қаровидан ўтказиб турди. Ҳалол меҳнат зое кетмади. У зимасига олган социалистик мажбуриятини оширib бажариб, ўз машинаси бункеридан эл хирмонига 190 тонна «оқ олтин» тўкди.

Ўртоқ Муродов дастлабки ютуқларини мустаҳкамлаш, КПСС Марказий Комитетининг навбатдаги Пленумини муносиб кутиб олиш мақсадида яна 20 тонна пахта териш учун курашмоқда.

Т. СОЛИЕВ,
Сирдарё района.

Гектаридан 40 центнердан ҳосил олинди

Колхозда хуш хабар тарқалди:

— Ҳайитбой ака бригадаси аъзоларига балли, улар ҳар гектар ердан 40 центнердан пахта топшириб, колхозда биринчи бўлиб планни бажардилар!

Ҳар қанча қойил қолса арзийди, бу пешқадам бригада аъзоларига. Улар бу ютуққа осонликча эришмадилар. 110 гектарлик майдонда эрта баҳордан бошлаб иш қизғин бўлди. Бригаданинг каттадан-кичиги бир ёқадан бош чиқариб, ҳар туп ғўзани меҳр билан парвариш қилди. Етиштирилган мўл ҳосилни йиғиб-териб олишга уюшқоқлик билан киришдилар. Ҳар ким ўзига топширилган вазифани сидқидил билан бажарди. Теримда нобудгарчиликка йўл қўйилмади. Мана шу тадбирларнинг сифатли амалга оширилиши бригаданинг ютуғини таъминлади.

Бўка районидаги «Ленинизм» колхозининг Ўртоқ Ҳайитбой Боботоев бошлиқ бригада аъзолари КПСС Марказий Комитети декабрь Пленуми очиладиган кунга қадар ҳамма майдонларни шудгорлаб қўйиб, келгуси йилга пухта замин ҳозирлаш тараддудида.

П. БАРАТОВ.

Машина кўракни теради ва тозалайди

ЭСКИ ТОШКЕНТ, (ЎзТАГ). Урта Осиё машина-синаш станциясининг далаларида одатдан ташқари машиналар пайдо бўлди. Станция директори И. И. Мелешко ЎзТАГ мухбири билан суҳбатда қуйидагиларни билдирди:

— Бизнинг муассаса мутахассислари «Чирчиқсельмаш» заводи томонидан чиқарилган оригинал агрегатларни синаб кўрмоқдалар. Бу агрегатлар пахта териш бўйича давлат махсус конструкторлик бюроси коллективи томонидан яратилган. Янги машиналар мавжуд машиналардан фарқ қилиб, кўракни териб олиш ва ўз юришини тўхтатмагани ҳолда уни тозалайди. Бу агрегат икки машинанинг, яъни териш ва тозалаш машиналарининг ўрнини босади. Тоза пахта бункерга тушади, сўнгра у қоп-қанорсиз ташиладиган аравачага тўкилади ва тайёрлаш пунктига жўнатилади. Янги агрегат бир смена давомида 8—10 гектар ерда иш бажаради. У, 60 ишчининг ишини қилади. Меҳнат сарфлаш 15—16 марта қисқаради.

Станция мутахассислари янги машинага юксак баҳо бердилар.

ИЛҒОРЛАР ВА ҚОЛОҚЛАР

Ворошилов номли колхознинг Ўртоқ Х. Амирхонов ва Т. Мўлдабеков Ўртоқлар бошлиқ бригадалари ҳар гектар ердан 30 центнердан пахта топшириш мақсадида бир-бирлари билан мусобақалашиб, теримни қизғин давом эттирмоқдалар. Ҳар иккала бригада колхоз сводкасида энг олдинги ўринда бораяпти. Айниқса, Ҳамид ака бригадасида иш қизғин. Бригада аъзолари ҳозиргача пландаги 257 тонна ҳисобидан 236 тонна пахта топшириб, маррага яқинлашиб қолдилар.

Бригада бўйича ҳар куни 1—1,5 процент миқдорида пахта тайёрланмоқда.

Мавсумда 10—15 тонна пахта териш мажбуриятини олган чевар теримчилардан Н. Юшкулова, Б. Шабанова, Л. Мусолова каби теримчилар шу кунларда 80—90 килограммдан кўсак теришяпти. Ҳозиргача уларнинг ҳар бири хирмонга 7—12 тоннадан пахта топширди.

Аммо ҳамма бригадаларда ҳам терим қизғин давом этаётгани йўқ, планни бажариш учун кураш сезилмайди. Исманди Саидов бошлиқ бригада ўтган йили ҳам планни бажармай, аттанг деб қолган эди. Бу бригада бу йил ҳам теримда, пахта тайёрлашда сустқашлик кўрсатмоқда. Бригадир Ўртоқ Саидовнинг бепарволиги натижасида меҳнат интизоми бўшашиб кетган. Теримчилар кундалик нормаларини бажариш учун астойдил курашмайдилар.

Бригада кунига 1,5 тонна пахта тайёрлаши керак. Аммо шу кунларда терилаётган пахта 450—600 килограммдан ортмаётир. Шуниси ажабланарлики, ана шу оз миқдордаги пахтани қуритиш учун хирмонда 5—6 киши овора. Улар кўпинча бекор ўтиришади. Нега улардан баъзиларини теримга чиқариш мумкин эмас? Ҳар ҳолда сурътга-сурът қўшиларди-ку!

Колхознинг М. Исроилов, Р. Ҳолиқулов бошлиқ бригадаларида ҳам аҳвол ана шундай.

Оққўрғон районидаги Ворошилов номли колхознинг далаларида ҳосил йўқ эмас, лекин бор ҳосилни йиғиб-териб олиш ҳамма ерда бирдек ташкил этилмаган. Шунинг учун ҳам колхоз маррага жуда секинлик билан силжимоқда.

М. ОЙДИНОВ.

„ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ“
2-БЕТ, 22 НОЯБРЬ, 1960 ЙИЛ.

Ташаббускор агитатор

Биз ҳикоя қилаётган дала шийпони кўрса кўргудек, мақтаса арзигудек. У далада меҳнат қилаётганларнинг маданий ҳордиқ чиқарадиган жойига айлантирилган, ижодий меҳнатга чорловчи шиор ва плакатлар билан безатилган.

Рангба-ранг диаграмма ва етти йиллик қаҳрамонларининг портретларини айтмайсизми! Деворда қайси куни чиққан «Жанговар варақа» ва «Оқ олтин» деворий газетаси осиғлиқ турибди. Улардан илғорларнинг яхши иш кўрсаткичлари, айрим ишёқмаслар тўғрисидаги мақолаларни ўқийсиз. Қизил бурчак эътиборингизни ўзига тортади. Бу ердан истаган китобларингизни топа оласиз. Газета-журналларнинг янги сонларини варақлайсиз.

Янгийўл районидаги Ленин номли колхознинг Нишонбой Мирзаев бошлиқ бригада дала шийпони колхозчиларнинг маданий дам ва маънавий озуқа оладиган жойига айлантирилган.

Хўш, дала шийпонини безаш ва дилкаш суҳбатларни ўтказишда ким ташаббус кўрсатаяпти?

— Турғунбой Султонов!

Шундай. Коммунист агитатор Ўртоқ Т. Султонов ўзига топширилган вазифани сидқидил билан бажармоқда. У дала шийпонини безаш билан бирга, бригада аъзолари ўртасида тез-тез лекция, суҳбатлар ўтказаётир. Айниқса унинг «Бир грамм ҳам пахта нобуд бўлмасин», «Меҳнат интизоми—муваффақият гарови» каби темалардаги суҳбати диққатга сазовордир.

Агитаторнинг суҳбатлари терим суръатини кучайтиришда катта роль ўйнамоқда. Бу бригада бўйича ҳозир ҳар куни йиллик планнинг бир процентидан ошириб «оқ олтин» териб топширилаётир. Бригада пахтакорлари йиллик планни эрта-индин бажариш олдида турибдилар.

Қ. АЗИМОВ.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ДЕКАБРЬ ПЛЕНУМИ ОЛДИДАН

ПАХТАЧИЛИКНИ КОМПЛЕКС МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ УЧУН!

„Чирчиксельмаш“ заводининг коллективи маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун курашмоқда

☆ ☆

ЯНГИ ТАЛАБЛАР АСОСИДА

Корхонамизда тайёрланаётган машина ва механизмларнинг тури йил сайин кўпаймоқда. Янги техника ва илғор технологияни кенг жорий қилмасдан туриб, ишлаб чиқаришни юксалтиришга эришиш мумкин эмас. Зотан партиямиз Марказий Комитетининг июль Пленуми ҳам бу масалани алоҳида уқириб ўтган. Биз кейинги вақтда машина деталларини узеллар бўйича йиға бошладик. Эндиликда механика цехларидан деталлар узеллар бўйича комплекс асосда келабошлади. Бу янгиликнинг афзаллиги қисқа муддат ичидаёқ яқол кўринди. Ишларимиз жуда юришиб кетди.

Шу нарса қувончлики, КПСС Марказий Комитети июль Пленумидан сўнг завод технологлари цехларда тез-тез бўлиб турадиган, ишларимизни кузатадиган, камчиликларни аниқлаб, уларни йўқотишда бизга яқиндан ёрдам берадиган бўлиб қолдилар. Шулар ёрдамида янги пневматик мосламалар жорий этилди.

Корхонамиздаги бошқа цех коллективлари қатори бизнинг цехимиз ишчилари ҳам Чирчиқ кимёгарларининг коммунистик меҳнат корхонаси номини олиш учун социалистик мусобақа бошлаш ҳақидаги чақиригига «лаббай» деб жавоб бердилар. Эндиликда алоҳида ғайрат ва ташаббус билан ишламоқдамиз. Пармаловчилардан Юнусова, Гумирова, токарь Мустафоев ва бошқа ўнлаб ишлаб чиқариш илғорлари смена топшириқларини 1,5 — 2 бараварга етказиб бажармоқдалар.

Эндиликда биз коммунистик меҳнат бригадаларидан сменаларга, сменалардан участкаларга ва участкалардан коммунистик меҳнат цехи деган юксак номни олиш учун курашга аҳд қилганмиз. Бу аҳднинг устидан шараф билан чиқиш — коллективимиздаги каттадан-кичикнинг шу кеча-кундузда ўйлаган муддаоси.

С. ҚУРБОНОВ,
2- механика-йиғув цехининг старший мастери.



Завод конструкторлари мавжуд машиналарни янада такомиллаштириш устида ижодий иш олиб бормоқдалар. Суратда: бош конструктор бўлимининг бир группа ходимлари Тамара Райляна, (чапдан) Яков Вернергольд, Рустамбек Усканов ва Хван Ен Ун ўртоқлар лентали транспортер схемасини соддалаштириш тўғрисида маслаҳатлашмоқдалар.

ИЖОД ЭТИШ — БАХТ

Янгилик яратиш — чидам билан, сабр билан ишлашни талаб этади. Кутилган натижага ҳа деганда ўнгайлик билан эришиб бўлмайди. Бунда катта қийинчиликларга дуч келиш мумкин. Лекин ўйлаган нарсангни юзага чиқариб, амалга оширгач, унинг берган натижасини кўриб, ниҳоятда қувонасан, лаззатланасан. Ҳа, сен яратган янгилик ўнларча, балки юзларча касбдошларингнинг меҳнатини енгил қилади, иш унумдорлигини оширади. Шунда ижод этиш — бахт эканлигини чуқур ҳис қиласан, киши.

Мен корхона бўйича энг кўп таклифларни амалга оширган рационализаторлардан бириман. Бу менинг ниҳоятда талантли эканлигимдан эмас, албатта. Балки ўзим ўйлаган ҳамма янгиликларни — оддий мосламадан тортиб то мураккаб станоккача ҳаммасини ўзим тайёрлаб, ўзим жорий қилганман. Бошқа касбдошларим эса янгиликни яратишга яратадилар-ку, лекин уни амалга оширишга жуда қийналадилар. Бу қийинчиликни тугатиш ва коллектив ўртасида ижодий ташаббускорликни авж олдириш, ҳамкорликни мустаҳкамлаш мақсадида корхонамизда махсус механика устахонаси ташкил этиш масаласи ўртага қўйилди. Устахона бевосита БРИЗга бўйсиниб, унда токарлик, фрезерлик ва пармаловчи станоклар ҳамда зарур асбоблар бўлиши кўзда тутилган эди. Турли хил штамплар, мосламалар, моделларни шу ерда тайёрлаш ва уларни тажриба қилиб кўриш мумкин бўлур эди. Бу таклифнинг амалга оширилиши рационализаторлик таклифлари йўлида гов бўлиб турган кўпгина тўсиқларни йўқотишга ёрдам берган бўлур эди. Лекин бу масала ҳали ҳал қилинганича йўқ. Иш манфаатлари, шуни ҳал этишни талаб қилмоқда.

С. МУРАВСКИХ,
25-цехнинг механиги.



Бу йил завод коллективи пахтакор хўжаликлар учун 20 метрли транспортер, ўғитларни майдалайдиган машина ва кўрак териш машинасининг янги вариантини яратди ва ишлаб чиқаришни ўзлаштирди. Суратда: пахта пунктларида фойдаланиш учун мўлжалланган лентали транспортер.

МАШИНАСОЗЛАР МАЖБУРИЯТИДАН

✦ Йиллик планни муддатидан илгари — 20 декабргача бажариш ва пландан ташқари қишлоқ хўжалик машиналари учун 5 миллион сўмлик запас қисмлар ишлаб чиқариш;

✦ тайёрланаётган барча товар маҳсулотининг таннархини пландагига нисбатан 1 миллион сўмга камайтириш;

✦ 1960 йилда бир қанча янги қишлоқ хўжалик машиналари, жумладан чеканка қиладиган машина ва ўғитларни майдалайдиган машина, 20 метрли лентали транспортёр ишлаб чиқаришни ўзлаштириш ва уларни кўплаб тайёрлаш;

✦ қишлоқ хўжалигининг талаблари асосида ғўзапоя ўрувчи машиналарни модернизациялаш ва шу йилнинг ўзидаёқ янги вариантдаги бу машиналардан бир неча мингини ишлаб чиқариш;

✦ рационализаторлик таклифларини амалга ошириш йўли билан давлатнинг 2 миллион 400 минг сўмлик маблағини тежаб қолиш.

Ички резервлардан тўла фойдаланамиз

Биз электродлар ишлаб чиқаришни йилига 4 минг тоннагача етказишимиз лозим. Чунки маҳсулотнинг бу турига бўлган талаб тобора ортмоқда. Кўзланган мақсадга янги техникани кенг равишда жорий қилмасдан туриб эришиб бўлмайди. Аммо белгиланган тадбирларни амалга оширишга келганда шу нарса маълум бўлдики, корхонадаги ёрдамчи цехлар, чунончи ремонт-механика цехининг ишчилари бошқа муҳимроқ ишлар билан банд экан. Шунда биз ўз имкониятларимизни ишга солишга қарор қилдик.

Қилинадиган иш ҳажми катта эди. Шу сабабли кўпчилик билан маслаҳатлашиш зарур бўлиб қолди. Электромонтерлар ва слесарларни йиғиб, уларга юз берган аҳволни тушунтирдик. Агарда ремонт-механика цехи ишчиларининг бўшашини кутадиган бўлсак, янги ускуналар ўрнатиш ниҳоятда чўзилиб кетар ва оқибатда давлат планини бажариш хавф остида қолар эди. Цехимиз ишчилари бир оғиздан қилинадиган ишларни ўз кучлари ёрдами билан амалга оширажакларини айтдилар.

Ўрнатиладиган ускуналар анча мураккаб ва у махсус тажрибани талаб қиларди. Шунда биз энерго цехининг бошлиғи ўртоқ Липилингга ёрдам беришни сўраб мурожаат қилдик. Энергетиклар бизга ўз мутахассислари — инженер Мухторовни юбордилар. Бу ўртоқ прессларни ўрнатишда жонбозлик кўрсатиб, бизга яқиндан ёрдам берди. Коллективимиз ўз кучи билан брекетлайдиган машинани, сим етказиб берадиган махсус мосламани, электродларни конвейерга етказиб берадиган транспортерни ўрнатди.

Юқоридаги ишларни биз қарийб бир ой ичида амалга оширдик. Ускуналарни монтаж қилишда электромонтер Марасулев, слесарь Федоров, электрик Галикеев ва бошқа ўртоқлар алоҳида ғайрат кўрсатишди. Лекин қиладиган ишлар ҳали кўп. Цехимиздаги ремонт группасини кучайтириш мақсадга мувофиқ бўлур эди. Бунинг учун бизга қўшимча штат бериш зарур эмас. Цехда ҳозир 4 та ОТК контролери ишламоқда. Эндиликда бунча контролерга бизда эҳтиёж йўқ. Шу сабабли цехда битта старший контролер қолдирилиб, қолган уч контролер ўрнига уч слесарь берилса, яхши бўлур эди.

Г. ФЕДУЛОВ,
электрод цехининг бошлиғи.



Завод коллективи Чирчиқ кимёгарларининг ташаббуси асосида юксак ном — коммунистик меҳнат корхонаси номини олиш учун курашмоқда. Йиғув цехининг токари Иброҳим Мусаев бу ҳаракатда актив қатнашмоқда. Коммунистик меҳнат бригадасининг аъзоси бўлган бу моҳир токарь топшириқларни доим ортиғи билан бажармоқда. Суратда: ўртоқ И. Мусаев иш устида.

Ж. Ваҳобов ва В. Скородумов фотолари.

КИТОБ ТАРҚАТИШ — ШАРАФЛИ ИШ

Чиноз район матлубот жамиятининг китоб савдоси бўлими аҳоли ўртасида адабиётлар тарқатиш, китоб савдосини ҳар томонлама кучайтириш соҳасида бирмунча ютуқларни қўлга киритди. Бу ерда, айниқса, китоб савдоси ходимларининг республика кенгашидан кейин китоб савдоси яхши йўлга қўйилди. Ҳозир районда 3 та китоб магазини (булардан иккитаси ҳаридорларга сотувчисиз хизмат қилишга ўтган), 4 та кўчма китоб савдоси столи, пахта тозалаш заводида алоҳида китоб киоскаси ишлаб турибди.

Шу йилнинг ўтган ойлари мобайнида район маркази ва қишлоқ аҳолисига тўрт юз минг сўмликдан ортиқ ҳар хил адабиётлар сотилиб, план анча ошириб адо этилди. Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 100 минг сўмликка яқин кўп китоб сотилди, демакдир.

Район марказидаги китоб магазини прилавкасиз савдо қилишга ўтгач, китоб савдоси яна ҳам юришиб кетди. Буни қуйидаги фактдан яққол кўриш мумкин. 1957 йилда магазинда ҳаммаси бўлиб 230 минг сўмлик савдо қилинган бўлса, ўтган йили прилавкасиз савдога ўтилгандан кейин ҳаридорларга анча қулайлик туғилиб, илгаригидан икки баравар кўп китоб сотилди. Бу ҳол район меҳнаткашлари, ишчи ва колхозчилар ўртасида китоб ўқишга бўлган ҳавасини анча ортгандигини, уларнинг маънавий-сиёсий онги юксалиб, ҳарид қилиш қуввати ўсганлигини яққол кўрсатиб турибди.

Район матлубот жамиятининг китоб савдоси бўлими 1960 йил пахта ҳосилини йиғиб-териб олиш қизғин бошланган пайтда колхозлардаги дала шийпонлари учун 80 та кутубхонача тайёрлаб тарқатди, 7 мингдан ортиқ турли плакатлар сотди.

— Биз, — дейди китоб савдоси бўлимининг мудири ўртоқ Асон Нўъмонов, — районда илғор хўжаликлардан ҳисобланган «XXI партсъезд», Сталин номли, Киров номли, «Қизил Октябрь», «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги» колхозларининг мавжуд кутубхоналари ва уларнинг китоб фондлари аҳволи билан танишиб чиқиб, кутубхоналарни янги адабиётлар билан тўлдириш учун қўшимча равишда 40 минг сўмлик адабиёт сотдик.

Шунингдек, районда адабиётларни китоб тарқатувчилар ёрдамида сотиш ҳам яхши натижа бермоқда. Хозир район бўйича 35 қишлоқ китоб тарқатувчи бўлиб ишламоқда. Китоб тарқатувчилар адабиётларни аҳоли кўп тўпланадиган жойларда, колхозларда сотадилар. Илғор савдо ходими Наима Мирзаева ҳар ойда 3,5—4 минг сўмликдан зиёдроқ янги адабиётлар тарқатиб, бошқаларга намуна кўрсатяпти. Бундан ташқари, Вера Андреева, Фотима Гильмуддинова, Хамлет Жалилов каби китоб тарқатувчилар ҳам адабиётлар тарқатишда актив қатнашмоқдалар.

Буларнинг ҳаммаси яхши. Лекин шуни ҳам очиқ ватироф қилиш керакки, район китоб магазинларида пахтачиликни комплекс механизациялаш бўйича, богдорчилик, узумчилик, тупроқшунослик, асаларичилик бўйича китоб ва брошюралар, халқ оғзаки ижодиёти асарлари деярли топилмайди. Ваҳоланки, ана шу соҳалардаги адабиётларга аҳоли ўртасида эҳтиёж ниҳоятда катта.

Шунингдек, қизиқарли, тематик рангба-ранг плакатлар етишмайди. Область китоб савдоси бўлими район аҳолисини зарур адабиётлар билан етарли миқдорда таъминлашга эътибор бериши керак.

М. АҲМЕДОВ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» материаллари изидан

„Жадал ишлайдиган пайт келди“

Газетамизнинг шу йил 20 сентябрь сонида «Бухоро газини қабул қилиб олишга тайёрмисиз?» деган рубрика остида юқоридаги сарлавҳа билан босилган материалда Чирчиқ электркимё комбинатининг табиий газ билан ишлайдиган объектларини қуриш ишида йўл қўйилаётган жиддий камчиликлар тўғрисида ёзилган эди.

Ўзбекистон Халқ хўжалиги кенгашининг раиси ўртоқ Н. Мартиновнинг редакцияга маълум қилишича, хабарда Чирчиқ электркимё комбинатининг янги объектларини қуриш ишида юз берган камчиликлар тўғри очиб ташланган деб топилган. Бу муҳим объектни қуриш ишларининг бориши Халқ хўжалиги кенгашида муҳокама қилинган ва комбинатнинг ишлаб чиқариш қувватларини ўз вақтида ишга туширишни таъминлаш юзасидан амалий тадбирлар белгиланиб, қарор қабул қилинган.

„Қачонгача?“

Оққўрғон район маданият бўлимининг мудири Машрапов ва маданият уйининг директори Содиқов ўртоқларнинг бепарволиги натижасида район марказидаги ҳашаматли бинога жойлашган маданият уйи ташландиқ ҳолда қолдирилгани, бадиий ҳаваскорлик ва бошқа тўгараклэр тарқалиб кетгани тўғрисида газетамизнинг 14 сентябрь сонида юқоридаги сарлавҳа билан босилган хабарга редакция қуйидаги жавобни олди:

«Хабарда келтирилган фактлар текширишда тўла тасдиқланди. Хабар район ижроия комитети бўлимлари ходимларининг мажлисида муҳокама қилинди. Машрапов ва Содиқов ўртоқларнинг ўз вазифаларига масъулиятсизлик билан қарагани қаттиқ қораланди. Маданият уйининг ишини тубдан яхшилаш юзасидан бир қатор амалий тадбирлар белгиланди. Кўрилган чоралар натижасида клуб биноси тамомила ремонт қилиниб бўлди ва жиҳозланди. Маданият уйида тўгараи ишлари йўлга қўйилди.

Оққўрғон район ижроия комитетининг раиси Д. Айтқулов».

Балли, азаматлар!

Корхонанинг бошқа цехлари каби бу ерда ҳам меҳнат авжида. Лекин бу жойнинг ўзига хос хусусияти ҳам бор. Нега деганда, темирчилик-пресс цехи-да. Ҳамма ерда темиртерсак овозлари. Цех ишчилари бутун коллектив билан бир қаторда ҳиммат камарини белга маҳкам боғлаган. Барчанинг ҳаракати чаққон ва эпчил. Турли маркадаги прессларнинг ўзининг оғир вазни билан темир парчаларни букиб, уларни маълум бир формага келтирмоқда. Ҳозиргина бир парча темир кўз очиб юмгунча қарабсизки, тайёр деталь. Бу деталларнинг ҳам ўзига хос хусусияти бор. Нега деганда, улар механика цехига узатилмайди, уларга деярли ишлов берилмайди, балки тўппа-тўғри йиғув цехига узатилади. У ерда йиғувчи слесарлар қирқ ўлчаб сўнг кесилган деталларни гўё механика цехида тайёрланган силлиқ деталлар сингари ўз ўрнига қўяберадилар.

Бу улкан цехнинг тўрида «Етти йилликнинг иккинчи йилини ҳам муваффақият билан якунлаймиз!» деган қизил алвон кўзга ташланади. Ҳа, темирчилар юксак мажбурият олишган. Бир ота-онанинг фарзандидек иноқ ва аҳил коллектив шу шиор остида тер тўкмоқда.

Мана оғир пресслар участкаси. Бу ерда мураккаб ва муҳим заказлар бажарилади. Ана Анорбой, унинг ёнида Георгий ва Валерий, сал нарида Сулаймон. Буларнинг ҳаммаси ҳам азамат йигитлар. Баланд шип билан бўй ўлчашган кучли прессларнинг улар иродасига бўйсиниб, бир минут ҳам тинмайди. Уларнинг ҳар бир ҳаракати ўлчоқлик. Дам ўтмай, деталь кетидан деталь тайёр бўлмоқда.

Бу азаматлар шарафли ном эгалари. Коммунистчасига ишлаб, коммунистчасига яшаш учун кураш бошланганда биринчилар қатори отилиб чиққанлар ҳам шулар. Бу кичик коллективнинг бир одати бор — ўзаро маслаҳатлашиб, бир нарсага жазм қилдими, тамом — бутун фикр-зикрини, хаёлини ўша нарса чулғаб олади, кўзланган мақсадга етишмагунча тиниб-тинчиш нима эканлигини билмайди. Бу сафар ҳам худди шундай бўлди. Эл-юрт олдида сўз берганимиз деб, шу ниятни дилга жо қилиб, астойдил меҳнат қилишди. Фақат ишда намуна кўрсатиш камлик қилади, деб ўз билимларини ошириш мақсадида ўқишга киришди. Ҳа, келажак кишилари — коммунизм жамиятининг аъзолари ҳар томонлама билимга эга бўлишлари, юксак маданиятли бўлишлари керак. Илмсиз эндиликда узоққа бориб бўлмайди-ку, ахир.

Орадан кўп ўтмади. Касбдошлари уларни юксак ва шарафли ном билан қутладилар. Завод касаба союз комитетининг бу ҳақдаги қарори участкадан участкага, цехдан цехга ўтиб, бир зумда бутун корхонага тарқалди.

— Қандини урсин, азаматлар!

— Ўзиям исми жисмига монанд йигитлар-да!

— Иш деган мана бундай бўпти!

— Отасига минг раҳмат!

Қутловга ва муборак бўлсинга келганларнинг ҳаммаси ана шу сўзлар билан уларни олқишлашди. Йиғилишлар, турли хил мажлисларда бу азаматларни барчага намуна қилиб кўрсатишадиган бўлиб қолишди. Мақтовлар темирчиларни гангратиб қўймади, балки уларнинг билагига куч, юрагига ғайрат бағишлади.

Михаил Прохоров шу азаматларнинг раҳбари, бригада бошлиғи. Цехдагилар уни тиниб-тинчимаган дейишади. Қачон қараманг, ҳаёлида бир ўй. Куйди-пишти бу йигитни ҳамма жондан севади, доимо ҳурматини жойига қўяди. Ҳа, у бахт ва оромни ҳалол меҳнатдан ахтарадиганлардан. Мана ҳозир ҳам хотиржам эмас. Йигитларнинг ишидан доимо кўз-қулоқ. Ҳали у, ҳали бу ишчининг олдига боради, кўнглини кўтарувчи сўзлар айтади, агар қилинаётган ишнинг «лекини» чиқиб қолгудек бўлса:

— Мана буниси бўлмабди, — дейди. Сўнгра ўзи мазкур операцияни қандай қилиб бажариш лозимлигини кўрсатиб беради. — Ахир ҳамманинг кўзи бизда-ку, — уқтиради бригадир, — шундай бўлгач, номимизга заррача ҳам дог туширмаслигимиз керак. Йигувчилар ҳар бир детални кимнинг қўлидан чиққанлигини яхши билишади, буни унутма, — Михаил ўзининг қадоқ қўллари билан касбдошининг елкасига енгилгина уриб қўяди. Бу унинг «бўш келма, биродар» дегани. Вақти чоғ пайтларда кўпинча у шундай қилади.

Бригада бошлиғи Сулаймон тайёрлаган детални кўздан кечириб турибҳам ёшга ерда экан, — бошлиқ вазминлик билан гапирар, Михаил эса унинг сўзларини диққат билан тингларди. — Канал қазувчи машиналар мўлжалдагидан бироз камроқ бўлиб қолибди. Йигувчилар биз-ку қанча керак бўлса тайёрлаб берамиз, лекин деталь етишмаяпти, деб жавоб беришибди. Гап энди бизда қолди. Тўғри, планларинг доимо юздан ортиқ, яна бирор нарсани талаб қила олмаймиз, бу фақат илтимос тариқасида, ука, ҳа шундай .

Бошлиқ бу гапларга нима дейсан дегандек қилиб, савол назари билан Михаилга тикилди. Бригадир нима ҳам дерди, унинг азаматлари бор, улар бор жойда ҳар қандай мушкулни ҳам осон қилиш мумкин. Буни улар бир эмас, балки бир неча бор амалда кўрсатишган.

— Хўп, майли, ҳаракат қиламиз, — деди бригадир. У «албатта бажарамиз» деган сўзларни ишлатмаслиги, шундай деювчиларга «катта гапиргандан кўра катта нон тишла, аввал ишни дўндир, кейин сўйла» деб таъна қиларди. Лекин у «ҳаракат қиламиз» деган сўзни чўрт кесиб, қатъий оҳангда айтди. Бу бригадирнинг «биздан кўнглингиз тўқ бўлсин» дегани эди.

Михаил бошлиқ билан хайрлашар экан:

— Фақат бир илтимос бор, — деди.

— У қандай илтимос экан, — деди бошлиқ. — Сиздан утина-ю, биздан бугина демоқчимисан.

— Ҳа, шундай. Гап таъминот масаласида...

— Бу ёғидан кўнглинг тўқ бўлсин, истасанг хомашёга кўмиб ташлаймиз.

Михаил ўз участкасига келиши билан йигитлар унинг атрофини бир зумда ўраб олишди.

— Ўзи нима гап?

— Қандай маслаҳатли иш экан, у?

— Бизга ҳам тегишли жойи борми?

Ҳамма ҳам ўртада бўлиб ўтган гапни тезроқ билишга ошиқарди. Бригадир цех бошлиғи билан бўлган суҳбатнинг мазмунини батафсил айтиб берди.

— Илтимос қиламиз, дейишяпти, — деди сўзини тугаллар экан у. — Қани, кимда қандай таклиф бор, — Михаил синовчан кўзлари билан йигитларга қаради. Шу қарашда у «Мен сизларга ишониб, қатъий ваъда бердим» деяётгандек эди. Ҳамма ўйланиб қолди. Орага бир неча минутлик сукунат чўкди.

Биринчи бўлиб сукунатни Анорбой бузди.

— Деталь тайёрлаш — бўёқчининг нили эмас, бу — бир, — деди у. — Инайкейин холва деган билан оғиз чучимайди, бу — икки. — Анорбой сўзини давом эттирмоқчи эди, лекин ҳеч ким ундан ҳеч нарсани эшитмади. Ҳамма ўйланиб қолди. Ҳаммага ҳам маълумки, Анорбой ҳар қандай ишни пухта ва сифатли бажаришга ўрганган. Ҳозир ҳам у ўзининг ишончли ва ишончсиз томонларини ўйлаётган эди.

— Ўртоғимизнинг гаплари ҳақ, — сўзга аралашди Валерий, — бу мураккаб масала. Ахир бусиз ҳам ҳозирда прессларни сиқиб, сувини ичяпмиз. Бундан ортиқ улар бизга яна нимани бераркин — бу саволга даб-дурустдан «мана бундай» деб жавоб бериш анча мушкул.

Йигитлар жуда ўринли сўзлаётган эди. Тўғрида, ҳозир уларнинг прессларга қараганда анча юқори унум билан ишлаяпти. Яна қандай тадбир кўриш керак — буни келажак кўрсатади. Шу сабабли Михаил Анорбойнинг ҳам, Валерийнинг ҳам гапларига аътироз билдирмади. Ҳақ гап бўлгандан кейин нима ҳам дерди.

— Бўлмаса шундай таклиф бор, — деди ниҳоят бригада бошлиғи, — ҳамма ўйлаб, мулоҳаза қилиб кўрсин. Прессларнинг ҳозирги иш унуми охирги чегара эмас. Ахир, қаловини билсанг, қор ҳам ёнади, дейишади. Йўлини топишимиз керак, бошқа илож йўқ.

Бу гап барчага маъқул тушди. Орадан икки кун ўтгач, улар яна ўша масала юзасидан маслаҳатлашгани тўпландилар. Шу икки кун ичида ҳамма ўз ишини бошдан-оёқ қайта кўриб чиқди, қилаётган ҳаракатларини бирма-бир ўлчади, прессининг ишини кўздан кечирди, қанчадан қанча қўлланма ва махсус адабиётлар варақланди. Хуллас, ўртага ташланган саволга ҳар ким ўзича ижобий жавоб топишга, мушкулни осон қилувчи усул танлашга ҳаракат қилди. Кўпдан қуён қочиб қутилмас, деб шуни айтадилар-да. Бундан атиги икки кун олдин бутун бир проблема бўлиб туйилган масала мана бугун оддий, кундалик масалага айланди.

Бригада аъзоларининг ҳар бири ўз йўлини, ўз усулини тақдим этди. Барча таклиф ва мулоҳазалар ҳар тарафлама ўлчаб кўриниб, умумий бир йўлни танлаб олишди. Бундай ўйлаб қаралса, прессининг ҳамма ҳаракатларидан тўла фойдаланилмас экан. Агар ана шу резерв ишга солинса, унум ошар экан. Бу мулоҳазани куни кеча «ахир бусиз ҳам ҳозир прессларни сиқиб, сувини ичяпмиз, бундан ортиқ улар бизга яна нимани бераркин», деган сўзларни айтган Валерий ўртага ташлади.

Анорбой ҳам, Георгий ҳам, Сулаймон ҳам — хуллас, ҳаммадан бир фойдали маслаҳат чиқди. Оқибатда айрим деталларни тайёрлашда (албатта унинг ҳажми ва тузилишига қараб) прессга бир эмас, балки иккита штамп ўрнатишга қарор қилишди. Синаб кўришган эди — иш унуми икки баравар ошди. Бундан хабардор бўлган цех бошлиғи ўзида йўқ хурсанд ҳолда йигитларни табриклагани ошиқди. У бригада аъзоларининг ҳар бирининг қўлини самимий қисар экан, тинмай:

— Балли, азаматлар, — дерди.

Анорбой Хунхаров, Георгий Каштанов, Сулаймон Шейхмамбетов ва Валерий Канахинлар ҳам хурсанд. Нега ҳам хурсанд бўлишмасин — ахир энди, айрим деталлар илгаригига қараганда икки баравар кўп тайёрланади-ку!

— Мана энди Сизни тайёр деталга кўмиб ташлаймиз, — деди Михаил Прохоров цех бошлигига унинг хонасида бўлиб ўтган гапга ишора қилиб:

— Майли, азаматлар, — деди шунда бошлиқ.

В. СКОРОДУМОВ,
заводда чиқарилган кўптираж-ли «Сельмашевец» газетаси-нинг редактори.

И. СУЛАЙМОНОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг мах-сус мухбири.

„ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ“
3- БЕТ, 22 НОЯБРЬ, 1960 ЙИЛ.

Область колхозларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида 1960 йил 21 ноябргача бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Колхозлар номи	Мавсум бошидан бери	Колхоз раиси	Партия ташкилотининг секретари	Қайси райондан
1. «Политотдел»	175,9	Хван Ман-Гим	Ким Сан-Фир	Юқори Чирчиқ
2. Димитров номли	141,75	Шин Ден-Дик	Ли Чер-Су	Қуйи Чирчиқ
3. «Правда»	140,83	И. А. Цой	Когай Дюн-Фир	Юқори Чирчиқ
4. Свердлов номли	130,2	Д. А. Ким	Т. В. Эм	Юқори Чирчиқ
5. «Ленинизм»	123,14	Т. Тожибоев	Ш. Йўлдошев	Юқори Чирчиқ
6. Охунбобоев номли	109,95	М. Рўзиматов	К. Ерденов	Ўрта Чирчиқ
7. Калинин номли	106,76	А. Турғунов	Ш. Абдукаримов	Пискент
8. «XXI партсъезд»	106,20	Ким Гван-Хо	В. Ф. Ким	Гулистон
9. Сталин номли	105,35	И. Талобоев	Т. Дўстибоев	Юқори Чирчиқ
10. Мичурин номли	104,88	Т. Каримов	П. Жабборов	Бўка
11. Калинин номли	104,66	Ем Ен-Ман	Т. Назиров	Ўрта Чирчиқ
12. Ильич номли	103,26	У. Жарқинбоев	Б. Ражабов	Бўка
13. «XX партсъезд»	101,76	Ҳ. Холбеков	А. Исахонов	Ўрта Чирчиқ
14. «Полярная звезда»	101,43	Ким Пен-Хва	Ан Ир-Чен	Ўрта Чирчиқ
15. «III Интернационал»	100,60	Н. Нишонбоев	Қ. Ўразаев	Юқори Чирчиқ
16. Жамбул номли	97,05	Ҳ. Шукуров	З. Сайдимов	Бўка
17. «ЎзССР 30 йиллиги»	95,86	И. Аҳмедов	Цой Чи-Сан	Чиноз
18. Красин номли	95,77	Б. Жумабоев	Ж. Дусенов	Қуйи Чирчиқ
19. «Қизил Октябрь»	94,73	Ж. Очилов	Н. Исмоилов	Чиноз
20. Энгельс номли	94,26	А. Кўсаев	Т. Мусабеков	Ўрта Чирчиқ
21. Жданов номли	93,34	А. Дўсбеков	Ҳ. Ражабов	Пискент
22. Сталин номли	92,45	А. Ортиқов	Ф. Мадалиев	Янгийўл
23. К. Маркс номли	89,79	К. Абдуллаев	М. Д. Цой	Ўрта Чирчиқ
24. «Коммунизм»	89,62	Т. Латипов	О. Қурбонов	Янгиер
25. «Красный Октябрь»	88,90	Я. Пискорский	У. Жабборов	Сирдарё
26. «Маданият»	86,86	Р. Эгамбердиев	У. Исломов	Оржоникидзе
27. Тельман номли	88,76	Х. Эгамқулов	М. Рустамов	Пискент
28. Свердлов номли	86,68	М. Сойибоев	А. Рустамов	Сирдарё
29. «Ленин йўли»	86,16	Э. Усмонов	И. Қурбонов	Ўрта Чирчиқ
30. Куйбишев номли	85,93	Т. Ғуломов	Д. Бердибеков	Сирдарё
31. «Октябрь 40 йиллиги»	85,41	Р. Ризқулов	Э. Ўролов	Оққўрғон
32. «Победа»	85,34	Қ. Синдаров	Ш. Ойнабеков	Сирдарё
33. «XXI партсъезд»	85,28	Ю. Мирахмедов	Ҳ. Эргашев	Чиноз
34. «Қизил Ўзбекистон»	85,25	А. Матқобулов	Ҳ. Элбўсинов	Оржоникидзе
35. «Красный Восток»	85,06	А. Носиров	Шегай Чан-Юн	Гулистон
36. «Северний маяк»	83,64	С. Г. Цой	П. А. Цой	Ўрта Чирчиқ
37. Жданов номли	83,54	Кан Ун-Дюн	А. Рихсибоев	Янгийўл
38. К. Маркс номли	83,40	У. Пардаев	Қ. Шамшиев	Гулистон
39. К. Маркс номли	82,65	Қ. Султонов	Ш. Жуманов	Сирдарё
40. Оржоникидзе номли	82,40	В. Н. Пак	М. Раҳимов	Ўрта Чирчиқ
41. Хрущчев номли	82,23	Ҳ. Турсунқулов	А. Одилов	Янгийўл
42. Вильямс номли	82,03	Ғ. Азаматов	Ж. Зуфаров	Бўка
43. «Ленинобод»	81,84	М. Юнусов	К. Эгамбердиев	Оққўрғон
44. К. Маркс номли	81,52	А. Чўлибоев	М. Ҳайитов	Бўка
45. Охунбобоев номли	81,47	И. Хожиматов	М. Мусурмонов	Бўка
46. Ленин номли	81,12	Ж. Мўминов	Х. Саидкаримов	Янгийўл
47. «XX партсъезд»	81,11	М. Ҳайитбоев	Ҳ. Абдукаримов	Бўка
48. Сталин номли	80,76	Қ. Синдаров	А. Тожибоев	Сирдарё
49. «Ленин йўли»	80,73	М. Иброҳимов	Т. Шодибеков	Бўка
50. Хрущчев номли	80,54	Х. Абдуқулов	Х. Қосимов	Пискент
51. «Ленинобод»	80,49	Р. Додажонов	Т. Шарипов	Бўка
52. «Гулистон»	80,45	И. Ҳайдаров	Қ. Ҳайдаров	Пискент
53. Куйбишев номли	79,93	С. Мадалиев	Б. Қобилов	Ўрта Чирчиқ
54. «Озод»	79,83	Б. Раҳмонова	Т. Мусабеков	Оққўрғон
55. К. Маркс номли	79,81	С. А. Ян	Р. Бобомуродов	Оққўрғон
56. Свердлов номли	79,73	Х. Латипов	А. Саломов	Ўрта Чирчиқ
57. Ленин номли	79,59	Цой Ен-Фир	Б. М. Ким	Ўрта Чирчиқ
58. М. Горький номли	78,38	М. Муҳамедов	Қ. Раҳмонов	Ўрта Чирчиқ
59. Ленин номли	76,04	А. Қодиров	А. Мўминов	Бекобод
60. «XIX партсъезд»	75,46	Ю. Файзиев	Қ. Олимов	Янгийўл
61. Киров номли	74,95	Ғ. Далибоев	А. Юсупов	Чиноз
62. Ленин номли	74,56	Н. Йўлдошева	Ж. Шамсиев	Сирдарё
63. Ленин номли	74,29	Х. Давиров	Ш. Алматов	Чиноз
64. М. Горький номли	74,27	Ш. Раҳимов	З. Мирзаев	Сирдарё
65. Ленин номли	74,25	С. Назаров	Р. Орифжонов	Гулистон
66. Куйбишев номли	74,18	С. Раҳмонов	Ж. Сайдаев	Оққўрғон
67. Энгельс номли	74,11	А. Холжигитов	А. Ниёзов	Пискент
68. Сталин номли	74,10	К. П. Власов	М. Каримов	Ўрта Чирчиқ
68. Калинин номли	73,06	Н. Қоржоулов	С. Тошбеков	Оққўрғон
70. Киров номли	72,90	Ж. Сафаров	Р. Қолжонов	Янгийўл
71. «Ленинизм»	72,76	Ж. Исоқов	А. Азизов	Бўка
72. «Красная заря»	72,52	А. Турдиев	Х. Тўрақулов	Гулистон
73. «Сталинград»	72,40	М. Мерганов	М. Аҳмедов	Оржоникидзе
74. Ворошилов номли	71,52	С. Бўриев	Қосимов	Оққўрғон
75. Хрущчев номли	71,38	Ф. Мухсимов	С. Акбаров	Оржоникидзе
76. Ленин номли	71,37	Р. Эгамбердиев	О. Толипов	Оққўрғон
77. «XIX партсъезд»	70,47	А. Душабоев	М. Салимбоев	Бўка
78. Т. Шевченко номли	69,56	Ж. Маманов	И. Ашеров	Сирдарё
79. Крупская номли	69,20	Ҳ. Турсунқулов	С. Шомуродов	Гулистон
80. К. Маркс номли	69,18	А. Султонов	Т. Азимбоева	Янгийўл
81. Ворошилов номли	68,91	Н. Толипов	А. Абдумўминов	Пискент
82. Навоий номли	68,84	А. Қодиров	Т. Абдуллаев	Бекобод
83. Жамбул номли	68,30	А. Жўрабоев	М. Тожиев	Юқори Чирчиқ
84. Сталин номли	67,93	Ҳ. Очилов	Т. Қудратова	Чиноз
85. Ленин номли	67,85	Б. Умаров	Ғ. Неъматов	Бўка
86. Сталин номли	67,52	М. Т. Литвинов	Р. Ўрозов	Пискент
87. «Правда»	67,37	Ҳ. Жумабоев	О. Ёриев	Сирдарё
88. «I Май»	66,55	Б. Маманов	М. Муродов	Сирдарё
89. Энгельс номли	66,47	Е. Шамсиев	К. Бўронбоев	Чиноз
90. Сталин номли	66,33	Т. Мирзаев	А. Шигапов	Оққўрғон
91. «40 лет Октября»	66,33	П. Женивский	Т. Шокиров	Чиноз
92. «Победа»	65,28	Р. Абдураимов	А. Хожимирзаев	Бекобод
93. «Октябрь 40 йиллиги»	64,41	Х. Ҳайдаров	Ҳ. Сотқулов	Бўка
94. Свердлов номли	63,97	У. Мусаев	Р. Усмонов	Янгийўл
95. Навоий номли	63,30	Т. Рустамов	Т. Болтаев	Чиноз
96. «Коммунизм»	63,07	М. Исматов	Р. Эшонхўжаев	Янгийўл
97. К. Маркс номли	61,61	Ю. Хўжабеков	С. Усмонов	Янгиер
98. Киров номли	61,46	Н. Гнёсов	Ф. Абдуазимов	Оржоникидзе
99. «Москва»	60,56	М. Мирзаев	Б. Пирматов	Гулистон
100. Дзержинский номли	59,65	А. Шукуралиев	Н. Йўлдошев	Бекобод
101. Охунбобоев номли	57,90	Убайдуллахўжаев	И. Бойназаров	Сирдарё
102. «Ўзбекистон»	57,69	М. Алимухамедов	С. Давидов	Сирдарё
103. «Октябрь»	57,00	А. Д. Брухтий	С. Файзиев	Гулистон
104. «XXI партсъезд»	56,51	Ж. Тўйчиев	Т. Азимов	Янгийўл
105. «Коммунизм»	56,28	А. Мирахмедов	А. Абдумаликов	Чиноз
106. «Коммуна»	56,06	Б. Низомов	С. Қосимов	Гулистон
107. «Коммунизм»	55,33	Б. Умаров	Н. Усмонов	Бўка
108. Ильич номли	55,07	А. Митанов,	М. Абдунамов.	Сирдарё
109. Сталин номли	54,48	Р. Муҳамедов	И. Алибоев	Гулистон
110. «Ленинград»	51,27	Т. Йўлдошев	М. Усмонов	Гулистон
111. «Ленинский путь»	47,55	М. Қиличов	В. В. Ни	Гулистон
112. «Ленинизм»	41,68	И. Тешабоев	П. Жабоқов	Гулистон
113. «Гигант»	38,10	М. Бобоев	С. Нишонбоев	Сирдарё

Область совхозларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида 1960 йил 21 ноябргача бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Совхозлар номи	Мавсум бошидан бери	Совхоз директори	Партия ташкилотининг секретари	Ишчилар комитетининг раиси
1. «Гулистон»	102,14	М. Ғ. Ғаниев	Р. Шимаков	О. Исоқов
2. «ЎзССР беш йиллиги»	91,71	И. Иброҳимов	А. И. Ланговой	М. Мусуков
3. «Бўка»	88,58	А. Исмоилов	М. Акимбоев	П. Бекбергенов
4. «Малик»	84,22	С. А. Бочкарев	А. Мейербеков	А. Е. Волина
5. «Социализм»	82,63	Қ. Пўлатов	А. Н. Шахматов	Т. Тожибоев
6. «Пискент»	81,80	А. В. Киселев	М. Қосимов	А. Хайруллин
7. 1-«Далварзин»	70,89	А. Мирдадаев	Х. Юсупов	У. Усмонов
8. «Мирзачўл»	70,41	А. Бегимқулов	И. Собиров	М. Агайдаров
9. «Оққўрғон»	69,39	Ж. Акромов	Р. Бердиев	Л. Г. Бобин
10. Киров номли	69,34	А. Турсунбоев	Х. Холматов	А. В. Тен
11. 1-«Боёвут»	68,11	Қ. Рашидов	Т. Хўжаев	Ё. Ҳолиқов
12. «Чаноқ»	67,85	Н. А. Игнатенко	О. Нуралиев	В. Тўқмирзаев
13. «Фарҳод»	67,62	Қ. Ботиров	Т. Сувонқулов	Ш. Мавлонов
14. 2-«Далварзин»	66,10	Ғ. Қодиров	Исмоилов	Х. Наширов
15. 3-«Боёвут»	62,36	М. Иноятов	А. Музаффаров	А. Е. Жданов
16. 2-«Боёвут»	49,48	У. Ю. Юсупов	А. Мустанов	С. Саъдуллаев
17. «Дружба»	42,76	Ғ. Шукуров	Ў. Муродов	А. Ўрмонов

Халқаро аҳвол

ҲИНДИСТОНДА ЯНГИ ГИДРОЭЛЕКТРОСТАНЦИЯ

ДЕҲЛИ, 20 ноябрь. ТАСС). Кеча Чамбал дарёсида тўғон ва гидроэлектростанция тантанали вазиятда ишга туширилди. Шундай қилиб, Мадҳия Прадеж ва Ражастон штатларидаги йирик гидроэнергетика системасининг биринчи навбати қурилиб бўлди. Қурилиш тамом бўлганидан кейин Чамбал гидроэнергетика системаси қўшимча равишда 1 миллион 10 минг акр ерни суғориш имконини беради.

Ҳиндистон бош министри Неру ана шу гидроэнергетика системаси биринчи навбатининг ишга туширилишига бағишланган тантанали митингда нутқ сўзлаб, бу қурилиш бутун Ҳиндистон учун катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади.

ШИМОЛИЙ ИРЛАНДИЯДА ИШСИЗЛИК

ЛОНДОН. (ТАСС). Шимолий Ирландия бош министри Брукборо Лондонда матбуот вакиллари олдида нутқ сўзлаб, мамлакатнинг оғир иқтисодий аҳволга тушиб қолганлигини кўрсатиб ўтди.

Ҳозирги вақтда Шимолий Ирландияда, деди бош министр, ишсизлик даражаси Англияда бўлган ўртача даражадан ортиқдир. Брукборо ҳозирги вақтда Шимолий Ирландия ўз бошидан кечираётган иқтисодий қийинчиликларга Англия ҳукуматининг эътиборини жалб этиш мақсадида Лондонга келганлигини айтди.

ЖОНСОН ПАРИЖГА КЕЛДИ

ПАРИЖ. (ТАСС). 20 январда АҚШ вице-президенти лавозимини эгаллайдиган Линдон Жонсон Парижга келди. У билан бирга Америка сенаторлари делегацияси ҳам келди. Бу делегация составида сенат ташқи ишлар комиссиясининг раиси сенатор Уильям Фулбрайт (демократ, Арканзас штатидан) ҳам бор. Фулбрайт Кеннеди ҳукуматида давлат секретари қилиб тайинланиши мумкин деб ҳисоблайдилар. АҚШ вакиллар палатасининг худди шундай делегацияси бир неча кун олдин Парижга келган эди. Америка конгрессининг аъзолари НАТО парламент конференциясининг сессияларида қатнашадилар. Бу конференция 21 ноябрда бошланади.

БЕМАЪНИ ХУРУЖ

ГААГА, 20 ноябрь. (ТАСС). Кеча Уберген шаҳрида халқаро зонал шахмат турнири расмий суратда бошланди. Турнирда 15 мамлакатдан 17 гроссмейстер ва халқаро мастерлар иштирок қилиши керак. Аммо мусобақа бошланган пайтда Голландия маъмурлари жуда хунук иш қилдилар. Улар Германия Демократик Республикасидан келган гроссмейстер Ульманга рухсатнома берилмаганлигини айтдилар ва унга мамлакатдан дарҳол чиқиб кетишни таклиф этдилар.

Голландия маъмурларининг Германия Демократик Республикасига нисбатан ана шу душманлик хуружи ҳаммани ғазаблантирди. Болгария, Чехословакия, Польша ва Венгрия шахматчилари норозилик билдиришиб, турнирда қатнашишдан воз кечганликларини айтдилар. Халқаро шахмат федерациясининг қарорига мувофиқ, турнир кечиктирилди ва ҳозирги пайтда Голландия маъмурларининг бемаъни хуружи натижасида пайдо бўлган можарони тугатиш чоралари кўрилмоқда.



Корея Халқ Демократик Республикаси. Киянск машинасозлик заводининг коллективи яқинда катта муваффақиятни қўлга киритди. Корхона бульдозер ишлаб чиқара бошлади. Бу агрегат йўллар қуришда, ерларни текислашда, ирригация ва мелиорация ишларини амалга оширишда фойдаланилади: Суратда: янги бульдозер. ЦТАК фотохроникаси.

БУТУН ДУНЁ КОММУНИСТЛАРИНИНГ ДОИМИЙ ЙЎЛДОШИ

ХАНОЙ, 19 ноябрь. (ТАСС). «Си тхат» нашриёти «Совет Иттифоқи Коммунистик партияси тарихи»ни Вьетнам тилида нашр этди.

Вьетнам Меҳнаткашлар партияси Марказий Комитетининг назарий журнали «Хоқ теп» шу воқеага бағишлаб мақола босиб чиқарди. Мақолада бундай дейилади: «КПСС тарихи» КПССнинг XX съездидан буён ўтган давр ичида энг йирик марксча-ленинча асар бўлиб, шубҳасиз, бутун дунё коммунистларининг доимий йўлдоши бўлиб қолади.

Мақолада таъкидлаб ўтилишича, «КПСС тарихи» мамлакатнинг шимолида социализм қураётган ва ватанни тинч йўл билан бирлаштириш учун курашаётган Вьетнам коммунистлари учун қимматли қўлланмадир.

Мақолада яна бундай дейилади: СССРда социализм қурилиши тажрибаси халқаро миқёсда тарихий аҳамиятга эга бўлиб, бу тажрибани ўтказилиши социалистик мамлакатларнинг практикасида синаб кўрилгандир. КПССнинг муваффақиятли суратда социализм қуриш соҳасидаги бой тажрибаси Вьетнам коммунистларига жуда катта ёрдам бермоқда. Вьетнам коммунистлари СССРдагидан бошқачароқ шароитда социализм қураётган бўлсалар ҳам, СССРда социализм қурилишининг асосий қоидалари улар учун ҳам зарур қоидалар бўлиб қолади, чунки бу қоидалар тарихий қонунлар бўлиб, социалистик қурилиш йўлига ўтган барча мамлакатлар уларга амал қилишлари керак.

ЖАНУБИЙ ВЬЕТНАМДА АҲВОЛ

ПАРИЖ, 20 ноябрь. (ТАСС). Жанубий Вьетнамда тўнтариш қилиш йўлидаги уринишдан буён 9 кун ўтди. Ҳарбий бўлинмаларнинг кўп қисми вилоятдаги ўз казармаларига қайтди. Аммо, деб ёзади Франс Пресс агентлигининг мухбири Сайгондан, осойишталик ҳукм сураётгандек туюлса ҳам, ташвишли ҳолат кўзга ташланади ва аҳвол нотинч ва бесаранжомлигича қолмоқда. Полициянинг кўп ходимлари кечалари пойтахтнинг одамлар жуда кам қатнайдиган кўчаларида патруллик қилмоқдалар. Президент саройига олиб борадиган кўчалардаги қатнов соат 22 да тўхтатилади. «Исёнчилар ва коммунистлардан тозалаш комитети»нинг фаолияти жамоатчиликни гоят ташвишлантирмоқда. Фитнада қатнашган кишилар хавф остида қолмоқдалар. Гуноҳкор бўлмагани ҳолда, айбдор деб ҳисобланиши эҳтимол бўлган кишилар ҳам қўрқмоқдалар. Мавжуд маълумотларга қараганда, Нго Динь Дьем статус секретари хабар берганидан кўпроқ киши қамоққа олинган.

Мухбир Нго Динь Дьем ҳукумати билан Американанинг жанубий Вьетнамдаги колонияси ўртасидаги муносабатларда «бирмунча кескинлик бор» деган хабарларга ҳам асосланади.

ГЕНДЕРСОН КОНГОДА

ЛОНДОН, 20 ноябрь. (ТАСС). Рейтер агентлигининг мухбири хабар беради: АҚШ давлат секретари ўринбосарининг ёрдамчиси Лой Гендерсон Леопольдвилга келди. Америка ижроғарлиги ва найранглариниг тажрибали ташкилотчиси сифатида ном чиқарган Гендерсон бир ойдан буён Африкадаги ёш давлатга сафар қилиб юрибди. Гендерсоннинг Конгога келиши Бельгия ва Америка малайи Мобутунинг Лумумба қонуний ҳукуматига қарши қўпорувчилик ҳаракатлари кучайиб кетган бир пайтга тўғри келди. Гендерсон бугун қўғирчоқ Чомбе уяси бўлган Элизабетвилга самолётда учиб кетди.

ЛОНДОН, 20 ноябрь. (ТАСС). Рейтер агентлиги Леопольдвиль мухбирининг хабарига кўра, АҚШ нинг Конгодаги элчихонасига қарашли автомашина бугун бир африкаликни босиб кетган. Бу африкалик шу ондаёқ ўлган. Даргазаб бўлган конголиклар оломони Америка элчихонасининг АҚШ давлат секретари ўринбосари ёрдамчиси Гендерсонни Элизабетвилга жўнатиш учун аэропортга кетаётган тўрт ходимини автомашинадан судраб чиқариб, автомашинани ёндириб юборган. Элчихонанинг иккинчи секретари Карлуччи ва Америка элчихонаси соқчиларининг бошлиғи Лоуренс пичоқланган.

Карлуччи Гендерсоннинг ва АҚШ элчиси Тимберлейкнинг Катанга бўйлаб ва Конгонинг бошқа районлари бўйлаб «инспекция» мақсадида тўрт кун мобайнида қиладиган сафарида уларга ҳамроҳ бўлиб бориши керак эди.

МАМЛАКАТ УЛУҒ РУС ЁЗУВЧИСИ Л. Н. ТОЛСТОЙНИ ҲУРМАТ БИЛАН ЭСГА ОЛМОҚДА

Улуғ рус ёзувчиси Лев Николаевич Толстой вафот этган кунга 20 ноябрда 50 йил тўлди. Мамлакатнинг бир қанча шаҳарларида жамоат ташкилотларининг шу муҳим воқеага бағишланган тантанали мажлислари ўтказилди.

Ленинградда Академик кичик опера театрида бўлган кечада Рус адабиёти институтининг (Пушкин уйи) директори А. Бўшмин, ёзувчилар Л. Успенский ва Д. Гранин, профессор М. Артамонов, СССР халқ артисти Н. Черкасов, коммунистик меҳнат бригадасининг аъзоси Е. Лебедев Толстой сўзининг улуғворлиги ҳақида, ёзувчи ижодининг жаҳон миқёсидаги аҳамияти тўғрисида гапирдилар.

Фонтанка дарёси қирғоғидаги 38-уйда, яъни Л. Н. Толстой 1855 йил 19 ноябрдан 1856 йил 1 январгача яшаган уйда ёдгорлик лавҳаси ўрнатилди. Уй олдида митинг бўлди.

Тинчликни ҳимоя қилиш Украина республика комитетининг раиси Н. Семененко Киевдаги тантанали мажлисни очиб туриб, бундай деди:

— Лев Николаевич Толстой биз учун улуғ ҳалқнинг улуғ генийси сифатида қадрлидир. Биз ёзувчининг ижодида киши руҳини чуқур билиш, инсондаги гўзаллик учун кураш, тинчликка бўлган қизғин истаги, унинг социал адолатни ҳимоя қилиш йўлидаги қизғин интилишини қадрлаймиз.

Тбилисида Л. Н. Толстой хотирасига бағишланган йиғилишда Грузия ёзувчилар союзининг биринчи секретари шоир И. Абашидзе ва ёзувчи Д. Шенгелая сўзладилар.

Томск область драма театри «Зулмат ҳукмронлиги»да» спектаклининг премьерасини кўрсатди. Шуниси қизиқки, бу пьеса бундан 50 йил муқаддам, сургун жойи ҳисобланган Нарим қишлоғида биринчи марта саҳнага қўйилган эди. Толстойнинг вафот этгани ҳақида хабар келганда сиёсий сургундагилар театрида мотам митинги бўлиб ўтган эди. Томск технология институтининг ва университетининг студентлари намойиш ўтказган эдилар.

Ёзувчи вафот этган кунининг 50 йиллиги кунида мамлакатнинг кўпгина завод ва фабрикаларида колхоз ва совхозларида, ўқув юртларида адабий кечалар ўтказилди. Л. Н. Толстой ижоди ҳақида лекциялар ўқилди. (ТАСС).

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ МАСАЛАЛАРИ ЮЗАСИДАН КЕНГАШ

Соғлиқни сақлаш ходимлари активининг Бутуниттифоқ кенгаши шу йил 6 декабрдан 8 декабргача Кремлда бўлади.

Телевизор экранида

22 НОЯБРДА

19.00. Қўғирчоқ фильм.
19.30. Киножурнал.
19.40. Ҳужжатли фильм — «Етти йиллик ғалабаси».
20.00. Сўнгги ахборот.
20.20. «Муштум» журнали саҳифаларида» (ўзбек тилида).
20.30. Л. Н. Толстой вафотининг 50 йиллиги олдидан. «Анна Каренина» бадиий фильмининг биринчи сериясн.
22.00. Пахтакорлар учун эшиттириш ва концерт.

Редактор З. И. ЕСЕНБОЕВ.

Тошкентнинг тақвоша залларида

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 22/XI да **Чио-Чио-Сан**. 23/XI да **Дон Кихот**.

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 22/XI да **Имон**, 23/XI да **Алишер Навоий**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 23/XI да **Нурхон**.

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА — 25/XI кеч соат 7 яримда Ўзбек давлат филармонияси **Хор капелласининг ҳисобот концерти**. (СССР бўйлаб қилинган гастролдан қайтиши муносабати билан).

Бўлинган қўшиқ — «ВАТАН», «ИСКРА», «СПУТНИК» (кундуз ва кечқурун).

Нон ва гул — «МИР», НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

Пиковая дама — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Ян Кашпарнинг ҳаёти учун — «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Ўгай она — НАВОИЙ номли (кундуз соат 4 ва кеч 6 да ўзбек тилида).

Академик Иван Павлов (эрталаб соат 10 да), **Кўприкдан ўтиш мумкин эмас** (кундуз 12, 1 ва кеч 8 да), **Мичурин** (кундуз 3 да) — «СПУТНИК».

Ш. Руставели кўчаси, 50-уй, 21-квартирада турувчи **Вячеслав Лукьянович Плешивцевнинг** шу уйда турувчи Анна Ефимовна Плешивцевадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Фрунзе район халқ судида кўрилади.

30 ноябрда Тошкент шаҳрида

1960 ЙИЛГИ ПУЛ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИ

4-чиқарилиш билетларининг

ЮТУҚЛАР ТИРАЖИ БЎЛАДИ



ДАВЛАТ МЕҲНАТ ОМОНАТ КАССАЛАРИ ВА ДАВЛАТ КРЕДИТИ ТОШКЕНТ ШАҲАР БОШҚАРМАСИ

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («Ташкентская правда») — орган Ташкентского обкома и горкома Коммунистической партии Узбекистана, областного и городского Советов депутатов трудящихся.

Редакциямизнинг АДРЕСИ:

Тошкент, «Правда Востока» кўчаси. 26 РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Коммутатор — 26334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 140, Пропаганда бўлими — 34808, 136. Совет қурилиши бўлими — 136. Адабиёт ва санъат бўлими — 29040. 135. Қишлоқ хўжалик бўлими — 29040, 135. Саноат ва транспорт бўлими, Маданият бўлими — 34048, 132. Хатлар бўлими — 34048, 156. Маҳаллий ахборот бўлими — 29040, 50. Секретариат — 34808, 115, Эълонлар бўлими — 28142.

Р. 10703. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Узбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. А. 1920.